



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 28-dekabr • №52 (4191)

ОЗОДЛИК ҚАНОТ БЎЛДИ

Яна бир йил охираб борапти. Минг бир рангли гуллари, атирли бўйлари билан баҳор ўтди. Ўз оташидан ўзи беҳол бўлган қуёшни бағрида салқинлатган сойлари билан ёз ўтди. Она тупроқ ҳаққи-хурмати ерга эгилган сермева дарахлари билан кўз ўтди. Яна қиш... Япроқларини ерга берган оғочлар аёзда титраниб турса ҳам, қордан либос кийиб, маликаларга айланса ҳам қишни барча фасллар каби яхши кўрамиз. Айниқса, янги йил яқинлашганида қалбимиздан болаларча бир ҳаяжонни кечирамиз. Болалик ўтиб, эртақлар оламидан узоқлашиб кетган бўлса-да, йил янгилашганида фавқулодда бир ҳодиса рўй берадигандек туюлаверади.

узумзорлар эгаси, мулкдор, соҳибкор.

Инжулар шодасидай товланган бир бош узумга бир товоқ тўлади, десам лоф эмас. Фақат дугонамларникида эмас, кўни-қўшнилари, маҳалла-кўйлариди шундай манзара. Тўрт тараф узумзор. Баланд кўтарилган томлар шиферланган. Кўча юзи дарвоза рангига монанд — яшилга бўялган. Қувасой, Чимён, Бешариқ — қадам босган жойимиздаги ҳар бир хонадондаги ҳаёт одамлар кадр топаётганидан, ўзига, ўз фарзандларига, ўз тупроғига хурмати ортаётганидан дарак беради.

— Меҳнат мажбурият, зўриқиш бўлмагандагина, меҳнат ихтиёрийлик асосига қурилиб, у яратувчанлик, бунёдкорлик ишига айлангандагина ана шундай иқтисодий ўсишга эришиш мумкин, — дейди шу мавзуда суҳбатлашганимизда Учкўприк туманидаги «Нилуфар» хусусий фирмаси раҳбари Насимахон Турсунхўжаева. Ҳайратланарлиси шундаки, Турсунхўжаевлар оиласида битта эмас, иккита фирма бор.

Турмуш ўртоғи Пўлатхўжа Турсунхўжаев ўғиллари билан «Пўлатхўжа хожи» фермер хўжалигини бошқаради. 70 гектар ерда деҳқончилик қилади. Пахтаси, галласи бор.

Давоми иккинчи саҳифада.

асрнинг 70-йиллари Фарғонаси билан қиёсладим. Ўша йилларда талаба бўлган

Ватан обод — кўнгли обод

Бундай ўйлаб қарасак, қарийб бир ярим аср давом этган куллик, қарамликдан сўнг озодликка эришганимиз ва тарихан қисқа муддатда дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганимизнинг ўзи буюк мўъжиза эмасми?

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма йиллик тантанасидаги маърузасида таъкидланганидек, Ватан озодлиги туфайли қадримизни топаётганимиз, айни чоғда инсон хурмати, инсон манфаати, инсон саодати энг азиз туйғу эканини юрак-юракдан хис этиб яшаймиз.

Яқинда хизмат юзасидан Фарғона вилоятига бордим. Шахру кишлоқларни кезар эканман, кўрганларимни ўтган

ман. Олтиариқ, Марғилон, Қува атрофларида баҳорда қатқалоқ, қузда пахта терими пайтида бормаган кишлоғимиз қолмаган. Томига гўзапоя бостирилган пастаккина уйларнинг деворлари ёмғир-қордан ола-чалпоқ бўлиб ётарди. Йуллар ўйдимчуқур, ёзда чанг, қишда лой...

Олтиариқлик дугонам Мухаррамхоннинг кафтдек боғи бор эди. Улар оиласи билан ўша боғчага ҳам меҳр бериб иш-лашар, мевалари ўз дастурхонига етарди, холос. Бугун эса Мухаррамхоннинг турмуш ўртоғи Ёқубжон ака кўз етмас

«Келажак овози — 2012»



— Публицистика номинацияси бўйича ғолиб бўлдим, — дейди ироқи дўппи кийган қиз Гулҳеҳра Ашурова.

БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИГА МАРҲАБО!

Ўтаётган ҳар бир кун бизни Янги йил сари яқинлаштирмоқда. Албатта, ушбу байрамни зар қокиллар билан безанган гўзал арча олдида, куй-қўшнқлару сахна томошалари жўрлигида қутиб олиннинг ўзгача гапши бор. Айни пайтда байрамни мазмунли ўтказиш мақсадида юртимизнинг барча ҳудудларида катта тайёргарлик кўрилади.

Адиб ва жаннат

Ахир, у ерда ёш болалар ҳам бор экан!

Йўқса, эл қатори эрталаб вазифасига жўнаб, кечқурун осуда ва тинч оиласига қайтиб, умр кечириб юрган одамлармиз. Эл қатори ташвишларимиз, орзу-умидларимиз бор, уларнинг барчаси ёруғ ва тиниқ. Кечқурун биргалишиб овқатланамиз, болалар мактабдаги, кўчадаги таассуротларини айтиб беришади, кейин «Нима гап экан» деб телевизорни очсам, яна ўша ҳолат: дунё қалқиб турибди!

Давоми иккинчи саҳифада.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бугун мамлакатимизнинг бош майдонида байрам томошалари бошланди. «Мустақиллик ва Эзгулик» монументи қаршида жило таратиб турган арча ҳеч қимми бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Бу ерга ташриф буюрган болажонлар Миллий театр актёрлари иштирокидаги «Янги йил арчиси» театрлашган томошасидан баҳраманд бўладилар. Болақайларни байрамона оҳанглр остида куён, сичқонча, йўлбарс сингари мучал вакиллари қутиб олишади. Қорбобо, Қорқиз, ёвуз жодугар ҳамда бошқа эртак қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларда эзгуликнинг ёмонлик устидан қозонган ғалабаси, ҳар қандай вазиятда ҳам атрофдагиларга яхшилиқ

наси, «Авиасозлар» маданият саройи олд майдонларида янги йил арчалари ўрнатилиб, безатиш ишлари амалга оширилди. Майдонларга ва боғларга савдо шохобчалари, аттракционлар ва ўйин қурilmалари ўрнатилди. Болажонларнинг мириқиб хордиқ чиқариши учун театрлаштирилган томошалар дастури ишлаб чиқилган.

Бугундан бошлаб 2013 йилнинг 7 январига қадар Тошкент шаҳридаги 14 та майдонда шахримиз аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари, ўқувчи-ёшлар учун байрам томошалари ҳамда концерт дастурларидан иборат халқ сайллари ўтказилади.

Тадбирларда йигирмадан ортиқ бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, «Ўзбектеатр» бирлашмаси жамоалари тайёрлаган ўндан ортиқ спектакллар намойиш этилади. Арча ўрнатилган ҳар бир майдонга «Ўзбекнаво» эстрада бирлишимизи Тошкент шаҳар бўлимининг етмишдан зиёд эстрада хонандалари бirkитилган.

Ҳамюртларимизни ва болажонларни байрам томошаларига тақлиф этамиз.

Холида НИЗОМХЎЖАЕВА

Янги йил қандай келади?

Ҳар кун эрталаб компютерини ёқаман, турли-туман ахборот манбаларидан оламжаҳон янгиликлар келган бўлади. Бир сутка ичида дунёда рўй берган воқеалар билан тез-тез танишиб чиқаман. Қайдадир тошқинлар, зилзилалар, фалокатлар рўй берибди, низолар, келишмовчиликлар, жанжаллар, қотилликлар, фирибгарликларнинг узундан-узоқ рўйхати қалқиб чиқади куннинг хабарларида. Олам қалқиб тургандай, ақдан ташқари ҳодисалар рўй бераётгандай туюлади.

Янгиликлар ишхонамдаги компютеримга ҳам, ҳатто кўл телефонимга ҳам келиб туради. Атай шундай соzлаган-

ман, дунёда рўй бераётган ўзгаришлардан бохабар бўлиб турай деб. Афсуски, рўй бераётган воқеалар

одамни хавотирга солади, ташвишлантиради ва турлитуман саволларни келтириб чиқаради: «Дунёга нима бўляпти ўзи?»

«Дунёга нима бўляпти ўзи? — деб сўрайди ҳамкасбим, интернет саҳифасидан бошини кўтариб. — Дунёнинг бир қанча ҳудудларида глобал кризислар ҳалиям давом этаётганмиш, қайлардадир яна урушлар бошланганмиш. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини ажратиб олишининг ўзи қийин».

«Дунёга нима бўляпти ўзи? — деб сизим қоқади ёзувчи дўстим, ташвишланиб. — Кимнингдир узоқни ўйламай қурган иншооти бузилиб, сув тошқини юзага келибди, одамлар бошпанасиз қолибди.

Давоми иккинчи саҳифада.

«КИЧКИНА МУК»НИНГ КАТТА ЮТУҒИ



Болалар театри мўъжизаларга бой, сеҳрли олам. Айниқса, спектакл сўнида ёш томошабинларнинг самимий олқишларини тинглаш актёрларга ўзгача завқ бағишлайди. Бироқ болаларни сахнадаги воқеаларга ишонтириш, уларнинг кўнглига йўл топа олиш ижодкордан катта маҳоратни талаб этади. Республика ёш томошабинлар театрининг истеъдодли ёш актёрларидан бири **Шаҳобиддин Фаёзов** мухлислар меҳрини қозонаётган ижодкорлардан. Янги йил олдида актёр дил сўзларини шундай **наҳор** этди:

Ёзувчлар уюшмаси вилоят бўлимида

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида «Ободлик кўнглидан бошланади» шiori остида адабиёт кунлари бўлиб ўтди. Таниқли адиблар ва олимлар, адабиёт мухлислари иштирок этган мазкур тадбирларда ҳудудлар ривожини ва турмуш фаровонлигини билан бевелиқ бунёдкорлик жараёнлари, адабий асарларнинг одамлар маънавиятини ўстириш ва ёшлар қалбиди азу туйғуларини камол топтиришдаги ўрни хусусида сўз борди.

АДАБИЁТ КУНЛАРИ

Ўзбек мумтоз адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган шоир, тарихчи ва таржимон Мухаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллуд топган сана адабиёт ва санъат намояндалари, ижодкор ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг нишонланди. Кўҳна Қиёт кишлоғидаги Огаҳий боғида шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Огаҳий ўз кўли билан эккан тут дарахти ёнида, шоир уй-музейида огаҳийхонлик анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов, Хива тумани ҳокими, сенатор Даврон Аллақулиев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али ва бошқа ижодкорлар шоирнинг адабий мероси ҳақида сўзладилар.

Хоразм Маъмун академияси ва Урганч давлат университетиди бўлиб ўтган адабий кечаларда Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиiddин Саййид, Урганч давлат университети ректори Рўзимбой Эшчонов шунингдек, таниқли адиб ва шоирлар Эркин Самандар, Ошиқ Эркин, Кенгисбой Каримов, Жиянбой Избосканов,

Давоми иккинчи саҳифада.

Янгилик: хабарингиз борми?

31 декабрдан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида иккита янги телеканал ўз фаолиятини бошламоқда. Бу каналлар «Маданият ва маърифат» ҳамда «Дунё бўйлаб» деб номиланади.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланишга доир қарорига биноан ташкил этилаётган янги телеканалларнинг асосий мақсади аҳолининг маданий ва маърифий савиясини ошириш, ёш авлоднинг илмий билимлар, маданий қадриятларга бўлган қизиқишини кучайтиришни кўзда тутди. «Маданият ва маърифат» телеканали ўзбек халқининг бой маданий ва маърифий меросини асраш ва бойитишга қаратилган илмий-оммабоп теледастурлар яратиш, ойнаи жаҳоннинг замонавий интерфаол шакллари, рақамли ва мультимедия технологияларидан фойдаланган ҳолда юртимиз маданий ҳаётда содир бўлаётган муҳим воқеалардан телетомошабинларни хабардор қилиб боради.

«Дунё бўйлаб» телеканали давлат

унитар корхонаси сифатида дунёнинг етакчи телеканаллари махсулотларини лицензия асосида намойиш этади. Бу фуқаролар, айниқса, ёшларнинг тарих, география, дунё мамлакатларининг замонавий ривожланиш даражаси, турли халқларнинг ўзига хос миллий анъаналари, оламшумул илмий кашфиётлар, сайёрамиздаги турли қитъалар, океан ва денгизлар табиати, ноёб наботот ва ҳайвонот олами

«Ойна жаҳон»да

ҳақидаги билимларини оширишга хизмат қилади. Телеканалнинг яна бир муҳим вазифаси мамлакатимиз аҳолиси ва халқро ҳамжамиятга Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, юртимиздаги экологик туризм имкониятлари ва ривожланиш даражаси ҳақида хабар бериш, шунингдек, Ватанимиз ҳақидаги қизиқарли илмий-оммабоп ва маърифий дастурларни тайёрлаш, лицензия асосида хорижий каналларга тарқатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва фаол дам олиш шакллари оммалаштиришдан иборат.

Янги телеканаллар ўз дастурларини 31 декабр соат 19:00 дан эфирга узата бошлайди.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Насимахон игна-ип устида. Иши оддий тикувчилик эмас. Ҳозир тўй-тўйчиқларда чиройли ўровлардаги кўрпа, аёлларни тўёна қилиш расм бўлган. Бундай тўёнабоп маҳсулотлар бозорларимизга Хитой, Кореядан келтирилган эди. Насимахон ўша маҳсулотлар технологиясини ўрганди.

— Одам қилган ишни одам қилади. Дастлабки маҳсулотларимиз савдога чиқяпти. Импорт товарлар билан бемалол рақобатлаша оламиз. Лекин бизнинг ишлаб чиқарганимиз анча арзонга тушади, — дейди Насимахон. Импорт кўрпа, аёллар билан «Нилуфар» маҳсулотларини қийслайми. «Хар кимники Уэйга...» деганларидай, ўзимизникилар жозибали, кўзтортар қўринади.

— Ўровларда ҳам миллий белгилар бўлса, Ўзбекистон чеварлари қўлидан чиқгани «мана-ман» деб кўриниб турса, яна ҳам чиройли бўларди.

— Ҳозир шунинг ҳаракатидамиз, — дейди Насимахон.

Кувасойлик тадбиркор, иқтисод фанлари доктори Дилоромхон Меҳмононова билан суҳбатлашамиз, шу ҳудудга қарашли «Арсиф» кишлоқ фуқароли йиғинида жойлашган «Наргиза» ҳуросий корхонаси чеварлари билан гапиришамиз, бир ҳақиқатни ҳис этамиз: Одамларимиз ҳам фикрий ҳаракатда, ҳам жисмоний ҳаракатда. Улар шу ҳаракатдан фақат даромад эмас, ҳаловат, саодат ҳам топмоқдалар. Мамлакатимиз раҳбари тантанали мажлисда таъкидлаганларидек, қонунчилигимизда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддиятлар ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилиши улarga алоҳида куч-қувват, ишонч бераётгани, шубҳасиз. Ҳар бир киши меҳнати, саломатлиги, оиласи қонун ҳимоясида эканини ҳис қилса, кучига куч қўйиладди, бошлаган ишига ҳадиқсиз, дадил ёндашади.

Биз бундай ўзига, ўз ишига ишонч ҳиссини айниқса ёшларда, ёш оилаларда кўпроқ қузатдик. Фарғона тумани Чимён кишлоғи-

да истиқомат қилаётган оилавий тадбиркорлар Шаҳнозаҳон ва Шоиржон Асроровга кўпчилик қатори бизнинг ҳам ҳавасимиз келди. Шаҳнозаҳон асли муаллима, кишлоқдаги 12-умумтаълим мактабида англиз тилидан дарс беради экан. У уйининг бир хонасини келинчақларга ажратибди. Бўш пайтларида ўзи ҳам келинчақлар либосини тикади экан.

Хонадоннинг бошқа бир хонаси Шоиржоннинг устaxonаси. У болакайлар учун беланчақлар, «тойчоқ»лар, «вертолёт»лар ясади. Пишиқ ёғочлардан ишланган ранг-баранг бўёқларга бўялган «делфин», «тойчоқ», «ба-

Одам боласи ўз ҳаётидан рози бўлса, инсон сифатида қадрланаётганини ҳис этса, янги меҳнат майдонлари, фаолият майдонларини кашф этаверади.

Гуллар гулзорда кулф уради. Дарёлар водийлар, воҳаларда ҳайқиради. Оилалар фаровонлиги ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун салкам 47 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилгани Шаҳнозаҳон, Гулнозаҳон, Бўstonой, Дилафрўзхон каби минглаб

ва кўлида. Шунинг учун нимамишни тортиб олсаларинг ҳам барбир қайта кўкариб кетаверамиз...»

Ривоятнинг давомини билмайман-ку, лекин ўша бойлиги ҳаминша ўзи билан бирга бўлган қавм бизнинг аждодларимизга ўхшайверади, назаримда.

Ёки мана бу воқеа ҳам сизга таниш. Карвон йўли босиб кетаётганда, битта туяқаш қопининг тешигидан бир ховуч бугдой тушибди. Туяқаш карвонни тўхтапти, тупроққа қоришиб кетган бугдой атрофини хас-хашак билан ихоталабди.

— Оёқ билан босилса, битта бўлсаям, доннинг увойи бор, — дебди.

Карвон бу туяқашни девона санаб, йўлида давом этибди. Қайтишда ўша ихоталанган жойда кўкариб турган бугдойзорни кўриб, туяқашнинг билгичлигига тасанно айтишибди. Ўша бир ховуч донни ҳам шамолларга совурмай, ризқ-рўз, насибага айлан-тирган туяқашни ҳам ўз илдизимиз бўлса керак, деб ўйлайвераман.

Томирларимизда аждодларимиздан мерос меҳнатсеварлик, яхшиларга ҳавас, яхшиликка ишонч туйғуларни омон келаятгани учун ҳам кўклуб, кўкариб бораямиз. «Обод турмуш йили» эшик қоқиб турибди. Унинг тақиллатган овози юрак деворларимизга тегишини, яна ҳам қулироқ тегишини хоҳлардим. Чунки нур борки, соя бор. Баъзи қўшни мамлакатлардаги нотинчликлар, ўз орамиздаги алданмиш, адашишлар, айрим кимсалардаги руҳий дегансаллик, ўзгаришлар шиддатидан чўнчиш ёки бойликлар олдида довидраш каби нохуш ҳолатлардан кўз юмиб бўлмайди. Бу ҳолатлар қўнғил ободлиги, юрт ободлигига доғ сарчатамаслиги учун ҳар ким ўз виждони қўрғони рўбарўсида сергак соқчи бўлмоғи шарт. Янги йил фақат оқ, ойдий йўллар давоми эмас, синов, имтиҳон кунларидир.

Озошлик шундай улуг қудратки, у ҳар биримизни ҳар лаҳза виждон, иймон, масъулият сабоқларидан имтиҳон этади.

... Гапим аввалини Фарғонадан бошлаган эдик. Талабалгимизда амалиёт пайтида танишганимиз Қорияхон исмли

момо бўларди. «Мени ота-онаминг, бобо, бувиларимнинг дарди шоир қилган», дерди раҳматли. Чунки катта боболарининг бор зар-зеварларини мустабидлар тортиб олиб кетган, амаки, хоҳалари кашшоқликда хор бўлиб дунёдан ўтган экан. Момо, боболари 35-йилларда «халқ душмани» тавқи ланнати билан қатл этилган, 50-йиллар қатағонида ота-онаси маҳв этилган экан.

— Қариндош-уруғлар билан қўшиб ҳисоблаганда оиламизнинг ўзи бир кишлоқ бўларди. Ушлардан бир тўёқ, битта кўз ўзим қолганман. Золимларнинг ёқасидан бўғиб етти қават ерга киритгим келади, — дердилар момо ва хиргойи қилиб кўярди:

«Оқ» дерман, «оқ»лар тортарман, ҳеч ким эшитмас дардим, Етти дарё қўшилиб ювганда юволмас зардим... Сочимни майда ўриб, хонатластар қийиб кутдим, келмади Йўлларда аждаҳолар тўсдим халоскорим — мардим...

Қорияхон момонинг, момоларнинг интиқ қутган халоскорини қўриш, озошлик бахти ичра ашаш у билан фахрланиш, қувонмиш саодати бизга насиб қилди. Бу насибанинг — хуррият насибасининг қадрига етайлик, дегим келади.

Қояландик, тоғландик, Пастлик бизга ёт бўлди. Буюкликка чоғландик, Озошлик қанот бўлди. Йўллар босилмас осон, Ҳар қалам сабот бўлди. Мусаффо бўлди осмон, Сўйгулик ҳаёт бўлди. Чорлар нури манзиллар, Қўлақалар мот бўлди. Орузлар очар гуллар, Йилимиз обод бўлди.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ОЗОДЛИК ҚАНОТ БЎЛДИ

лик»ларни кўриб, оддий кишлоқ йиғитининг хунарига қойил қоласиз.

Оила кичикинтойи Шерозжон — бижилдоқ, соғлом. Ҳовли саранжом, саришта.

— Ҳаммасига қандай улгурасиз? Роса чарчасангиз керак? — сўраймиз Шаҳнозаҳондан.

— Ўзим хоҳлаб, юракдан қиламан ҳар бир ишни. Келинчақлар меннинг хонамдан маликалардай ороланиб чиқиб кетганда, Шоир акамнинг ўйинчоқларидан болаларнинг қўнғил қувончага тўлганда барча чарчоқларимиз чиқиб кетади, — дейди Шаҳнозаҳон.

Кувасойлик яна бир тадбиркор Гулноза Кенжаева (у қийқимлардан сумкалар тикади) суҳбатимиз поёнида:

— Яшагинг келадиган замонлар бу! — деган ажойиб жумлани айтди.

Ҳа, Қўқон коллежи талабаси, «Келажак овози» танлови республика босқичи голибаси, ёш мусаввир Бўstonой Баркашова, Ўзбекистон тумани аграр-саноат касб-хунар коллежи талабаси, белбоғли кураш бўйича спорт мусобақаларида бир неча бор голиблик шохсупасига кўтарилган Дилафрўз Усмонова каби қизларимизнинг ёшлик оташи ёлқинланган кўзларида ҳам айнан шу сўзларни, шу икрорни «ўқидик».

сингилларимизга қанот бўлгани, шубҳасиз.

Юртбошимиз яхши ниятлар билан келаятган 2013 йилга «Обод турмуш йили» дея ном берди. Ободлиқни фаровонлик, саломатлик, чиройли турмуш, тинчлик-осойишталик тарзида изоҳлади.

Бир ривоят қулгунгизга чалингандир. Қадим замонда бой-бадавлат бир қавм бор экан. Қўлбал қабилаларни ўзига бўйсундирган, ҳукмдор бу қавмни ўзига итоат қилдира олмади қийналар экан.

— Булар бойлиги билан ғурурланади. Ҳамма бойлигини тортиб олиб, биёбонга олиб бориб ташланганлар, — дея буюрибди ҳукмдор. Айтганлари бажо бўлибди. Орадан йиллар ўтиб, ҳукмдор:

— Энди бурнига сув кирганида. Бориб хабар олинглар, — деб хабарчиларни юборибди. Хабарчилар тарвузлари қўлтигидан тушиб қайтишибди.

— Улар биёбонни гуллатиб, яна бойиб кетишибди, — дейишибди.

— Сирини билдингизми? Қандай сир бор экан? — деб сўрабди ҳукмдор.

— Сўрадик. Оқсоқоли шундай жавоб килди: «Биз фарзандларимиз оқ-қорани танингандан бошлаб, ярмини хунарга, ярмини илмга ўргатамиз. Уларнинг кучи тафаққури

Янги йил қандай келади?

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина экспертлари замонавий дунёни VUCA дунёси деб сифатламоқдалар. VUCA сўзи англизча Volatility, Uncertainty, Complexity у сўзларидан олинган бўлиб, беқарор, ноаниқ, мураккаб ва кўп қийфагли деган маъноларни англатар экан. Ҳақиқатан, зиддиятларга ва қарама-қаршиликларга бой, бетиним тўлқинланиб турган шу замонда турли-туман манфаатлар тўқнашувларини ифода этадиган бу сўзни ҳар кунги ахборот дастурларидан эшитиб-қўриб, билиб турибмиз. Шунингдек, сифатлашлар аро турбулент дунё деган ифода ҳам ора-сира кўриниб қолмоқда. Замонавий фан турбулентлик деб аталган ҳодисанинг пайдо бўлиш сабабларини ипидан-иғнасигача ўрганиб чиққан ҳолда, дунёда рўй бераётган ижтимоий турбулентлик ҳодисасини изоҳлай олмади турибди.

Қизиқ, бундай сифатлашга сабаб нима?

Турли минтақалардаги ва қитъалардаги мамлакатлар ва кишиларнинг мақсадлари ва гоғларни ўзаро бир-бирини мос келмай қолаётганида, гўё ҳар ким фақат ўз манфаати учун ҳаракат қилаётганидами? Ўзаро баҳамжиҳатлик билан иш юритиш, кишиларнинг азалий эзгу орзуси бўлиши ободлик ва фаровонликка биргаликда интилиш зарур бўлгани ҳолда, турлича фикрловчи турли-туман гуруҳларга бўлиниб бораётганидами? Дунёнинг қаерида бўлса ҳам инсоннинг энг эзгу орзуларидан бири фаровон ва обод турмуш, осуда ва тинч-тотув ҳаёт, ўз яқинлари даврасида, фарзандларини соғ-саломат вояга етказиб тарбиялашдан иборат

эмасми? Мана шундай ноаниқ, тушунарсиз дунё ичида кўпчиликнинг баҳамжиҳат, бўлиб бир мақсад сариқилгарилай олмаслиги боисмикин, деб ҳам ўйлайман.

Ҳа, бир қарашда дунёнинг қийфаси худди биз сифатлаганимиз каби дидир, бу дунёда энди тараққиётнинг мукамал ва узокни кўзлаган модер-

Адаб ва жамият

лини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жуда қийин бўлиб қолди, деб бонг урмоқда экспертлар.

Йўқ, инсонларни турмуш кечирриш заҳматлари ва манфаатлар эмас, гоғлар ва эзгу мақсадлар бирлаштиради, дейди доноларимиз. Мана шу ғалати тўс-тўполон ичида азиз дбиримизда ҳукм суриб келаятган барқарорликнинг, тинчлик ва осудаликнинг, ривожланиш ва тараққиётнинг юзлаб мисоллари ўша хавотирли таҳминларга ўрин йўқ дея ақлимизга хитоб қилмаётими?

Кириб келаятган янги йилимизнинг «Обод турмуш йили» деб аталишида кўпчиликнинг шуғурида ҳосил бўлаётган шу сингари безовта саволларга тўлақонли жавоблар бордари. Ҳа, қайлардадир янги йил ўз қанотларида ечимини топмаган турли муаммоларни, низоларни, жавобсиз саволларни олиб келгани ҳолда, бизнинг юртимизда кенг қамровли доноларча лойиҳаларни, улкан кўламли бунёдкорлик ишларини ва, энг асосийси, келажакка бўлган ишончинг янги тимсолларини бахш этиши билан қувонқлидир. Яъни, уларнинг барчаси барқарор ва аниқ сийсатни кўзлаган, узокни ўйлаб амалга оширилаятган ва ки-

шилар фаровонлигини, бошқача айтганда, турмуш ва мамлакат ободлигини таъминлашга қаратилган тадбирлардир. Чунки ободлик дегани бизнинг тушунчамизда, энг аввало, биз яшаб турган ҳудуд, мамлакат, элу юрт тинчлиги ва фаровонлиги, кишилар ва фарзандлар саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳам қўнғил ободлиги, ҳам юрт озошлиги — булар жуда қадим замонлардан бери турли-туман юртларнинг кишилари юракларининг туб-тубидан орзу қилган неъматлардир. Қўнғил ободлиги деган сўзнинг маъноси кенг ва чуқур. Турмушимиздан, ҳаётимиздан рози бўлганимиздагина қўнғилмиз обод бўлмайми? Ёхуд, қўнғил обод инсонгина мамлакат ободлигига ҳисса қўша олади.

Хулоса қилиб айтганда, «беқарор, ноаниқ, мураккаб ва кўп қийфагли» деб сифатланаётган ҳамда келажакни таҳмин қилиш қийин деб ҳисобланаётган мана шу дунё аро ўз истикболини аниқ ва қатъий белгилаб олган Ўзбекистонимизда амалга оширилаятган, узокни кўзлаган турли-туман мукамал дастурлар ассосидаги улкан, кенг кўламли тадбирларнинг ҳаммаси аслида шу элу юрт ободлигига, фаровонлигига ва барқарорлигига йўналтирилгани кишига таскин беради, хавотир ва ташвишлардан халос қилади.

...Шундай ўйлар билан кеч киради. Уйимга қайтаман. Болалар мактабдан келишган. Бўйи чўзилиб, овози дўриллаб қолган ўғлим олдимга чиқиб салом беради, қизим ўзи пиширган ширин таомларни олиб келади. Ўтган кундан розилик ва мана шу оилавий саодат боиси шукроналик ила яна жамланамиз.

— Янги йил қанақа келар экан? — дейди болаларимнинг онаси. — Телевизорда кўрднгизми, дунё худди қалқиниб турганга ўхшайди-я?

— Зўр келади! — дейман мен, кундузиги ўйларим эсимга келиб, кулимсиради. — Хавотирга сира ўрин йўқ, Мана кўрасан, бундан ҳам зўр келади!

Исажон СУЛТОН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бахтиёр Генжамурод, Янгибой Кўчқоров ва бошқалар адабиётнинг жамият ривожини ва маънавий тарбиядаги беқийс ўрни ҳақида фикр юритдилар. Вилоят хокими, сенатор Пулат Бобожонов адиблар билан учрашувда воҳода амалга оширилаятган бунёдкорлик ишларига алоҳида тўхтадиб ўтди. Маънавият ва маърифат марказида ташкил этилган адабий учрашув аввалида вилоят ижодий ташкилотлари ва «Хоразм ҳақиқати» газетаси ҳамкорлигига таъсис этилган аънавий «Зарқалам» танлови голибаси эълон қилинди. Фаол ижодкорларга фажрий ёрликлар, эсдалик совғалари ва китоблар топширилди. Ижодкорлар Хоразм вилояти ва адабиёт кунлари давом этган Қора-

қалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида бунёдкорлик жараёнлари, эл-юрт ободлиги йўлида амалга оширилаятган ишлар билан яқиндан танишдилар. Қайтадан таъмирланиб янги қийфа касб этган Урганч темир йўл вокзали, ал-Хоразмий кўчаси, Урганч шаҳридаги Ёшлар боғи, Хоразм Маъмуни академияси ва Эллиққалъадаги

қўйилган вазибаларга алоҳида эътибор қаратилди. Алишер Навоий, Мухаммадризо Огаҳий, Ажиниёз ва Бердак меросидан халқимизни янада кенгроқ баҳраманд этиш ҳақида сўз борди. Кейинги йилларда бир қанча қорақалпоқ адиблари асарлари ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кўп нусхада чоп этилаятгани, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсуповнинг ижодий мероси, қорақалпоқ фольклорининг ноёб намуналаридан барчани кўриб олиш, тобхонлар баҳраманд бўлаятгани таъкидланди. Адабий мулоқотлар чоғида китобхон савиясини ўстириш, адабий-бадий нашрлар тарғиботи билан боғлиқ масалалар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА, Абдулла САФОЕВ

АДАБИЁТ КУНЛАРИ

ЎзРФА Ботаника боғи ҳамда очиқ осмон остидаги қадимий қалъалар мугдаси билан танишув адабиёт байрами қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ижодий мулоқот ва учрашувларда Президентимизнинг «Адабиётга эътибор» маънавиятга, келажакка эътибор» риволасида ижод аҳли олдида

Журналларни варақлаганам

“ГУЛИСТОН” 2012 йил, 6-сон



Журналнинг ушбу сони илк саҳифаларида Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси берилган «Муштаҳкам оила йили»га бағишланган. О.Файзуллаева ва О.Ҳикматуллаевнинг «Соғлом оила», У.Саидовнинг «Конституция — ҳаётий қомус» мақолаларини ҳам

ушбу сонда ўқийсиз. Адабиётшунос А.Алимбековнинг «Таржимон — тил зарғари» мақоласида таниқли адиб Мухаммад Алиннинг таржимонлик фаолияти ёритилган. Матбула Юсуф Охуннинг «Ота дуоси» сарлавҳали суҳбатда андижонлик тадбиркор М.Расуловнинг фаолияти, юртимизда амалга оширилаятган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилди.

«Ўзбек наصري» рукнида ёзувчи Зулфия Қуралбой қизининг «Келин» номили ҳикоясини ўқийсиз. О.Генрининг «Байрам совғаси» ҳикояси М.Шамс таржимасида берилган. Ушбу сонда шоира Мусалламбону бир туркум шеърлари билан иштирок этган. Ш.Субхон тайёрлаган махшур бастакор Йозеф Гайдн ҳақидаги, У.Раҳмонқулнинг «Самоий отлар», С.Жонтоевнинг «Тюссо хоним музейи» мақолалари, маданиятга, спортга оид фотоплавлар, хабарлар, шунингдек, «Гулчирой», «Ажиб дунё», «Гулқайчи» саҳифаларидаги қизиқарли материаллар ҳам журналхонларга манзур бўлиши тайин.

Ёш рассом Умида Эрматова ижодидан айрим намуналар ҳам ушбу сонда чоп этилган.

Таабир

бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳомисияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

МАДАНИЙ МЕРОС ЁЗВОЗДА

Семинарда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси бош эксперти С.Маллахонов, профессорлар У.Тошматов, Р.Абдуллаев, А.Ҳакимов, Халқ ижодиёти маркази бўлим бошлиғи Г.Абдуллаева ноомдий маданий меросни ҳужжатлаштириш жараёнига доир муҳим масалалар хусусида маъруза қилдилар.

ПЛАКАТЛАР ТАНЛОВИ

Қамолитдин Бехзод номидида Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари юртимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўз билим ва ижодий малакаларини ошириш йўлида изламоқдалар.

Пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида ташкил этилган кўрғазма ана шу изланишлар самарасини намойён этди. Бадиий академия, институт ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига уюштирилган маъруза кўрғазма «Биз бунёдкор ёшлармиз, иллатларга қаршимиз» деб номланди.

Танлов-кўрғазмага талабаларнинг графика йўналишининг плакат жанрида ишлаган асарлари қўйилган. Ёш ижодкорлар бу асарлар орқали экология, коррупция, жиноятчилик, ақидабарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳхандлик каби аср вабосига айлиниб бораётган иллатларга қарши курашишга чорлаганлар.

Асарларни баҳолаган нуфузли ҳаммаклар ҳайяти талаба Рухона Шоалиеванинг «Инсон ва табиат узвий боғлиқ» номили плакатини Гран-прига лойиқ топди. «Энг яхши асар» номинациясида диплом билан тақдирланган Юлдуз Қиличмуродова шундай деди: — Танлов мен каби ижодкор ёшларга катта имконият берди. Кўрғазма орқали биз бугунги кунда инсониятни ларзага солаётган муаммоларга ўз муносабатимизни билдиришга, ижодимизни муҳлислар ва мутахассислар назаридан ўтказиб олишга муваффақ бўлдик. Энг муҳими, тадбир бундан бунёнги ишларимизга янги гоғлар, мавзулар берди.

Шоҳиста ОРТИКОВА

Шунингдек, 2013 йилнинг март ойида Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказлари ҳудудида ноомдий маданий меросни ҳужжатлаштириш бўйича олиб бориладиган ишлар ҳақида маълумот берилди. Шундан сўнг ноомдий маданий мерос объекларини ўрганиш ва уларни ёзиб олиш мақсадида ташкил этиладиган фольклор экспедицияларини юқори савияда ўтказиш борасида тақлифлар киритилди, ўзаро фикрлар алмашилди, истиқболли режалар тузилди. Семинар якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Дилноза УМАРОВА

Мухаммаджон РЎЗИМТОВ, консерватория талабаси

Ўзини шеърятга бағишлаган одам излана-излана, ёна-ёна шеърга айланиб, гўзаллик оламини сингир кетади. 65 йил бўлибдики, Хусниддин Шарипов шеърлик маконининг изланувчан фидойиси: адабиётдаги не-не воқеалар гувоҳи бўлмади; дунё шоирларининг қанчадан-қанчаси билан суҳбатлашмади, шеър баҳсига киришмади; ижодкорлар анжумани, симпозиуми, декадаларида иштирок этмади... Шоир юрт кезди, дилтортар суҳбатлар қурди, лекин фикр-хаёли ижод тоғида бўлди. У шеърлик роман, ўнга яқин дoston, юзлаб шеърлар, драмалар, бадиалар ёзди, бадий таржимага кўл урди. Бақувват китоблар нашр эттирди. Тўламалариға аруз, бармоқда яратилган газаал, мустаҳвод, оқ шеър, баллада, сонет сингари жанрлардаги асарлари киритилган. Шоир вазн, жанр қонуниятини, нозик томонларини теран ўзлаштирган.

Хусниддин Шарипов — мусиқа ва шеърят аро яқинлик, ички алоқадорликни нозик ҳис этадиган шоирлардан. Шоир эътиқодича, шеърни шеър дерми киши, унинг оҳанги, куйи бўлмаса! Мусиқа — шеър қаноти. Қанотли шеърнинг парвози юксак бўлади. Мусиқий шеър — нектарга бой гул, гийҳ, хушбўй неъмат. У бастакор қалбига ўт солади, хонандани куйлатади, хор капелласи-ю мусиқий дасталарни ром этади. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Хусниддин Шарипов шеърлари сюита, рап-сондия, ария, алёр, ашула, дуэт, двра кўшиғи сингари жанрларда жарангли бошлади.

“Мустаҳвод йўллариди” газалида машҳур куй дарҳол диққатингизни тортади. Сизни юксакликларга чорлайди:

Богларда — ҳаёт! Асли ҳаёт қони қўшиқдор, ўйланг бун дўстлар. Келгайми, ахир қон гупуриб турмаса танда киш ўрнига кўклам?

Шоирнинг бир достони “Тановар” деб номланади. Очиғи, бундай сарлавҳа мени хушёр торттиради. Юзйилликлар давомида ижро этилиб, сайқал топиб келатган куйға қандай мазмун-маъно юкланаркан? Мумтоз куй қаршида шоир қўллаган сўзлар туссиэланлиб қолмасмикан? Шоир куйни Шамсихоннинг куйган кўнглидан олиб ўтади. Куй, сўз асосий қахрамон қалбидиға армон, азоб, руҳий изтиробларни юзага олиб чиқади:

Тутиб турган каби ойни авайлаб, Кулоғин остига кўяр бир кафтин. Иккинчи кўл эса, меҳмонни сийлаб, Тўлганиб-тўлганиб улашар тафтин... “Тановар” тўлқини қийнаган чоғда Ташвишлар қаттиқроқ бўлса-да тошдан, Ёмғирда нинган қоғоз қалпоқдай Ҳилвираб тупроққа тўкилар бошдан.

Шоир қалби ҳақиша жўшиб, шўх-шодонликка мойил бўлиб туради. Шоир кирган даврада гап қизийди, теша тегмаган иборалар, жонлантиришлар “арх” этиб пайдо бўлади. Хусниддин Шариповда ўйчанлик ҳазил-мутойиба, қочирдиқ билан ўйғунлашиб кетади. Шоирларнинг юриш-туриши, қутилмаган хатти-ҳаракатлари китобхонни тўлкинлантиради. Унинг “Сотволдидан салом” достони “бир қоп ёнғок”, қишлоқ Афандисига айланаёган инсон ҳақида. Сотволди тиниб-тинчимас, бекорчиликни ёқтирмайдиган, гапни чийратма қилиб юборадиган, кези келса, жиндек ёлгон, бўрттиришдан ҳам тоймайдиған одам. Масалан, Марказдан келган вакил-ташвиқотчи уйқучироқ экан. Қишлоқ кишилари кўёш чиқмасдан бурун турадилар. Асосий юмушларини тонгда баҳариб оладилар. Сотволдинига кўноқ бўлган олим-ташвиқотчи кўёш нури аллақачон ёйилиб, кишилар меҳнатда терлаб олганларида уйқудан уйғонади. Сотволди кўярда-кўймай меҳмонни том бошига олиб чиқади, юз-кўлини ювдиради...

Шоирнинг шеър, дoston, комедияларида юмор етакчилик қилади. “Ош устида” шеърда “силқиган чай мой билан филт-филт ютилган”, меҳмонлар “хўнар”ларини кўрсата бошлайдилар. Бирови ош қилиб берган шоир шеърни босилган янги газетага ҳафсала билан қўлини суртади. Иккинчиси ёғли қўли билан танти мезбон елкасини силайди, уни барғига босади... Шоир ижодида невараларига, кампирига бағишланган ҳазил шеърлар талайгина. “Кам-

ҚАТРАДА УМР ҲИКМАТИ

Шоир ва мураббий Саломжон Менгвор Термизийнинг «Кўнгли гавҳари» деб номланган рубойлар тўплами ўзига хос ҳаётий фалсафасига кўра эътиборни тортади. Ҳаёт моҳияти ҳақида фикр юритар экан, у «Ибрат кўзи билан назар ташласанг, ҳаёт мослик ва зиддиятлардан иборат, инсон турмушида бу нарса амалу ниятда кўринадиди», дейди. Шу боис, инсон ўзини фақат илму маърифатга бағишламағи лозим.

Маълумки, рубойий лириканинг энг қадимий жанрларидан бири бўлиб, узоқ йиллик тарихга эга. Шунинг учун ҳам бу жанрда ижод қилиб, бирор-бир янгилик яратиш, кучли адабий таъсир доирасидан чиқиб, ўзининг хос услубини, йўлини топиш чоғда мушкул. Отахон шоир рубойларида эса оригиналликка интилиш намоён бўлади. У янги бадий тимсоллар яратади, янги ташбеҳлардан фойдаланиб, янги эпизодлар, ҳолатлар ихтиро этади. Аммо бадий ижод образ яратиш ва ҳолат ихтиро этиш билан чекланиб

пирим” шеъри самимиёлиги, меҳр-муҳаббатга йўғрилганлиги билан шеърхонни ром этади: Қолмагайман доғда мен ҳам токи ҳароҳим экан, Раҳбарим, шеърхон, муҳарририм, ҳисоблон кампирим. Гоҳ бўлай ёш лейтенант, гоҳ мўйсафид маршал бўлай, Ўнг қўлим чеккамда доим берса фармон кампирим.

Хусниддин Шарипов “Бир савол” романида, дostonларида она-заминни мустаҳкам устундек тутиб турган Абром, Аҳам, Хайри (“Бир савол”), Асқар Баҳром (“Бог кўча болалари”), Шаҳноз (“Инсоф диёри”), Шамсихон (“Тановар”) сингари катта-кичик характерлар яратди. Уларда XX аср мураккабликери — қаҳарчилик, қатлиом, Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари, қулларча ишлаши азоб-укубатлари кўрсатилган.

Шоирнинг шеър, дostonлари — яхши. Лекин кишини ўйга толдирадиган айрим томонлари ҳам бор. Шеърчи асарда ҳолат, кайфи-

“ҲАЁТ САҲНАСИДА ЯШАМОҚ — САНЪАТ”

ят, руҳ шоир қалбидан ўтади. Халқ ва шоир бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилади. Ҳ.Шарипов асарлари, хусусан, дostonларида кузатиш, четдан тасвирлаш тенденцияси етакчилик туюлади. Халқ қалбини ўртаётган азобларни тасвирлаш, ўртаниш етарлича эмас-дек. Шўро даври, тарбия мафкура-раси шоир-ижодкорларнинг халқ руҳига чуқур киришини истамасди. Лекин шоир ўзининг халққа, истиқболга муносабатини аниқ-тиниқ ифодалайди. Унинг “Ҳаётнинг маъноси”, “Тонгги туйғулар”, “Элчига ўлим йўқ” шеърларида дилдаги асл туйғулар ифода топган.

Муҳаббат қарийди, ўтади умр. Яхши умрларда қўшиқ қолади. Энг сўлим боғларда янгар қачондир.

Хусниддин Шарипов умрининг салкам олтинчи йили шўро даврида, қизил мафкура етакчилигида ўтди. Аравасига минган, ашуласини айт, деган гап бор. Шоир коммунистлар дохийлари, ўша пайтдаги ҳаёт тарзи ҳақида ёзди. Аммо у табиат, инсон ва борлиқ ҳақида кўп ёзди. Шоир ижодида борлиқ ҳақида ёзилган шеърлар талайгина. Балиқ ҳақида кўп ёзилган. Лекин балиқ фалсафаси ҳақида Хусниддин Шариповдек қисқа, лўнда, асосли ёзган ижодкор бўлмаса керак.

Думининг лиқиллатасан, олға кетасан... Думининг лиқиллатасан, олға кетасан...

Оллоҳ балиқкагина думини лиқиллатиш имконини берган. Бора-бора думини лиқиллатиб олға кетувчилар ниҳоятда кўпайиб кетди. Сутни билмаган, ичмаган одам йўқ. Лекин ҳеч ким уни мана бундай таърифламаган:

Умр — сўт, Муҳаббат унинг қаймоғи.

Хусниддин Шарипов табиатдан қалби кенг, унча-бунча жигийирон бўлаверадиганлардан эмас. Аммо у шеърят, ҳаётдаги фирромликларни ҳазм қилиб кетолмайди:

ҚАТРАДА УМР ҲИКМАТИ

қолса, шаклбозлик ўйинига айланади. Термизийнинг ҳар бир рубойида бадий тимсоллар, ташбеҳу тасмиллар, фавқуллода ҳолат тасвирлари маърифатга ташна инсон дардини, замин ва замона билан боғлиқ ўйларни, яратилиш ва ҳаётнинг асл моҳияти масалаларини бадий ифода этиш учун хизмат қилади. Бошқача айтганда, қалб гавҳари — иймон бўлса, муаллиф иймони буюрган Ҳаққа интилишга, эзгу амал қилишга, наҳот, ҳидоят, саодатга даъватни рубойий вазнига тушириб ифода этади. Унинг лирик қахрамони ҳам, мурожаати ва даъвати йўналтирилган шахс ҳам ўзи. У оламларни яратган буюк қудратни ўтган улўғ шоирлар сингари қудратли денгиз сифатида тасаввур этади ва томчи бўлмоқ, денгиздай қудратга тўлмоқ, шундай тақдирга талпиниб турмоқ орсунини ошқора этишдан тийила олмайд. Шундай мазмундаги рубойларни шоир қалбини равшан акс эттирувчи кўзгу деса бўлади:

Ҳар дам ўзгинида бўлганин яхши, Шеридан кўч-ғайратта тўлганин яхши. Эркинги бирова бергандан кўра, Бургут гурури-ла ўганин яхши.

Тўртликлар қатида баъзан пахла-вонмаҳмудона, баъзан хайомона чуқур фалсафий тафаккур кўзга

Кўп ёзди, Пўк ёзди, Оз ёзди, Саёз ёзди Ва жим бўлди. Бу ким бўлди? (‘Дардисар’)

Шоир ижодида “Денгиз сокин эди...” шеъри диққатни тортади. Асар ўта миллий, драматизмга бой, хулоса лўнда, бетакор. Унда мола, шудгор, ажин, бармоқни илғадай букмоқ, “қалла тортиб юбормоқ”, “заҳл қаншар”, “шамол шарқирайди”, “денгиз вағиллар”, “чағалайлар хилватга қочишди”, деган қалит сўзлар бор. Денгиз йўқ юрт кишини денгиз ҳақида бунчалик ўқшатиш, жонлантиришларни қайдан топди? Денгиз ва шамол жанги икки полвоннинг ҳаётмамот жангини эслатади. Китобхон беихтиёр қонун-қондасиз олишув майдониға кириб қолгандек бўлади.

Шамол шарқирайди, Денгиз вағиллар, Бир-бирин гўжамлар ел билан тўлқин, Бир кўтарилиб ерга урмаса, Шариллаб йиртиллар бирин кўйлагин...

Жанг майдонининг аянчли бир маҳкуми — бандаси бор. Уни на денгиз, на тўфон эслайди. Ровий жанг қурбони ҳақида қисқа, лўнда ёзади-кўлади:

Балиқларнинг ҳоли нима кечдийкин?! Хусниддин Шарипов ижоди ҳақида танқидчилар диққат марказида бўлган. 1960 йили “Ниҳоллар” мақоласи ёзилди. Унда Эркин Воҳидов,

Теша Сайдалиев, Хусниддин Шарипов, Охунжон Ҳақимов асарлари тилга бот-бот олинади. Мунаққид ниҳолзорда Хайридин Салоҳ, Сайёр Пўлат, Гулчехра Жўраева, Тошпўлат Ҳамид, Ҳамид Нурий, Ямин Қурбонов, Юсуф Шомансур, Ҳабиб Саъдулла, Эътибор Охунво, Тўлкин, Олим Қўчқорбековга эътибор берди. (Ҳали Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Гулчехра, Ойдин, Х.Худойбердиевалар ижоди тилга тўшмаган эди.) 1962 йили “Ниҳоллар” мақоласи “Замон, қалб, поэзия” тўпламида чоп этилди. Китоб муаллифи 30 ёшдан салпал ошган Озод Шарафиддинов эди. Озод домла ўзи кашф этган ниҳолларни сира унутмади: Э.Воҳидов, Ҳ.Шарипов, О.Ҳақимов ҳақида бот-бот ёзди. Ҳ.Шариповнинг 50 йилги муносабати билан шоирнинг икки жилди “Сайланма”си (1983) чоп этилди. У О.Шарафиддиновнинг “Ниҳол ўсиб чинор бўлибди” сўзбоши билан очилади. Мақола шоир ижодининг деярли барча нури кирраларини қамраб олган. Мунаққид Ҳ.Шариповнинг “Кўёшга ошмакман” дostonини талқин қиларкан: “Айрим мунаққидлар дostonни Роберт Рождественскийнинг “Парвозга 15 дақиқа бор”, Ўлжас Сулаймоновнинг “Инсонга таъзим қил, замин” каби машҳур поэмалари билан бир қаторга қўяди. Дostonларнинг бундай юксак баҳоланиши бежиз эмас эди”, деб ёзади.

Истиқлол йилларида Хусниддин Шарипов янгича руҳ ва шуқуҳ билан ижод қилди. “Асирингман” тўпламини, кўплаб шеърларини чоп эттирди. Саҳнада драма асарлари йўналди. Эътиборли нашриёт шоирнинг салмоқли тўпламини нашр этиш арафасида. Мана бу шеърлий парчада шоирнинг ҳаётий-эстетик принципи акс этган:

Ҳаёт саҳнасида яшмоқ — санъат, Ундан ҳам нозикдир санъатда яшаш. Бу кафтлек саҳнадан шод тўмоқ даркор, Чўққинга чиққандек олим-баодим. Мен ўз ҳаётимдан розиман минг бор, Лекин розимкин мендан ҳаётим?! Ўзбекистон халқ шоири Хусниддин Шарипов балоғат ёшидаги донишманд ижодкор.

Абдуғафур РАСУЛОВ, профессор

Шеърят соҳасида қарийб ярим асрдан бери қалам сураётган танқид шоир Абдулла Шер Ҳақиша ўз битикларини кўнгли ҳолатлари тасвири билан кучлантириб келган. У ташқаридаги атроф-оламга ичкаридан орқали назар солган, ташқи оламни ичкаридан кўзи билан кўриш ва ичкаридан кўрингандай тасвирлашга тўтинган ижодкордир. Унинг шеърлий китоблариға шоирона кайфият каби мўъжазлик, бетакор руҳий ҳолат сингари юксалик ҳосилга шундан. Шоирнинг “Гул йиллар, булбул йиллар” деб номланган (Гафур Гулом номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012) салмоқли тўплами “Кичик сайланма” тағсарлаҳаси билан босилган. Ундан шоир ижодининг асл моҳиятини акс эттирадиган асарлар ўрни олганлиги, шубҳасиз.

КўНГИЛДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

Кичик сайланма шоир туйғуларининг янада инжалошиб, нозиклашиб, кайфият манзараларининг янада эмас, балки манзаралар кайфиятини ҳам тасвирлай олади-ган мақомға етганини кўрсатиши жиҳатидан диққатга молиқдир. Кўйидаги шеърнинг оҳангига кулоқ солиб, унда акс этган манзаранинг ёркин рангларини кузатган ўқирман фикримизга қўшилиши табиий:

Ёмғир ёғар... Аста-аста Йиркиларлар томчилар, Бурчакларда жон сақлаган Қишни тинмай қамчилар.

Осмон тўла бир илқ ел — Булутларнинг Ғироти. Бўғотларнинг тўлқинларида Қалдиғочлар қаноти.

Ўн беш яшар қизлар ўйи — Эқилажак ўсmalar. Ўсмирларнинг лабларида Исён қилар бўсалар... Бу шеърдаги ҳар бир образ жонлантирилган. Чунинки, ёмғирнинг ёғиши, аста-аста йиркилашган томчиларнинг бурчакларда жон сақлаган қишни қамчилиши, қўкламини соғинган бўғотларнинг қалдиғочлар қанотини кўмсаши, буй қизларнинг эқилажак бўсаларни орзулаши, ўсмирлар лабида бўсаларнинг исён қилиши каби ҳолатларнинг ҳар бири ўз табиати, ҳаракат йўсинида тасвир этилган.

Чинакам шоирлик ўз кўнглидан кечган чин туйғуларни сўзлар билан мисраларга тизиб орқали ўқувчисини ҳам мувоэанатдан чиқариб, ўз ҳолатига сола билишдир. Истеъодли шоир ўқувчи кўнглидаги яширин ҳисларни кўзгаб, мижжаларига ёш қалқитади ёки лабларига табассум югуртиради. Унинг битганлари гўзаллиқдан қилсанган ҳайрат, муҳаббатдан туйилган лаззат, ҳижрдан чекилган машаққатларнинг чин ва тасирли ифодаси бўлгани учун бундай қадриятга эга бўлади. Абдулла Шер бир шеърда: “Сулувларнинг сулувиға Мисра қилиб қалбини тутаман”, дейди. Англашилдики: машуқа шунчаки сулув эмас, балки сулувларнинг сулуви. Унинг нечоғли сулувлуги ошиқнинг бу сулувлика берган тўлов моҳиятини чуқурроқ англаган сайин ойдинлашади. Ошиқ сулувиға инсонга Аллоҳ томонидан берилган энг азиз ва муқаддас неъмат бўлиши кўнглини мисраға жойлаб тутаяти.

Абдулла Шернинг ишқий шеърларида бўса тимсолли алоҳида ўрин тутайди: бўсаннинг жаннатий иси, унинг оламдаги майдилка ва бақканаларини кўйдирувчи оташин ҳарорати яққол намоён бўлади. Шоир бўсада шахвоний хирсини эмас, руҳиятнинг илохий парвозини, Гафур Гулом айтганидай, “қўша қаримокқа муҳр”ни кўради. Шу боис уни жон бағишловчи қудратга қийслайди:

Бўсада бир сас бор, бир ўгли ҳис бор, Қўрнимас олов бор дунё ёнадир. Ҳеч ким исмаган жаннатий ис бор, Искаган ҳар танда жон уйғонадир.

Шоирона нигоҳгина ишқининг илохий парвози учун икки лаб икки қанот бўлиб хизмат қилишини кўра ва бу қадар таъсирли ифода эта олади.

Унинг ишқий шеърлари ўқирман руҳиятини юксалтириб, кўнглини маиший гўборлардан тозалайди. Одам ҳаётига ёғду берувчи, уни юксак ва нозик туйғуларга оши этувчи ҳолатлар, кайфиятлар манзараси тасвири ўқирман кўнглини янаштит, ҳаётга муҳаббатини оширади:

Бахтлиман, ҳар бўсам капалакнамо Ё юзинг, ё кўзинг, лабиниға қўнар, Гоҳида иккала хандалак аро Қирмизи лоладек дафъатан унар. ...Бўсан тинглайлик: унда то абдад Тамнашиб яшайди гўлак муҳаббат.

Бўсаннинг капалак каби юзу кўз ва лабларга кўниши тасвири ўқувчида хуш кайфият уйғотади. Қутилмаган бу тасвирлар моҳиятида бегубор гўлак муҳаббат яшайди. Покиза муҳаббат туйғусини гўдаккагина менгзаш мумкин.

Чин шеърда ақлга ситмас, гулу даражасига етган муболагалар, қутилмаган ёркин тасвирлар, бетакор ташбеҳлар бисёр бўлади. Абдулла Шер бир сонетада: “Бу кучоқ кўймайди сени чўққани, Телбалик — Маҳжундан менга юққани — Бу моддий дунёни қилади абас. Бўсалар қақнайди сўзларни қувлаб, Биз учун бор дунё шу иккита лаб, Умримиз — уларга берилган нафас”, деб ёзади. Бу сатрларда муҳаббат билан кеңирилган умр ютилган нафас каби ҳаётбахш ва у сингари қисқа экани маҳорат билан тасвирланади. Зеро, муҳаббатта йўлиққан қалблар учун висолдан бўлак дунёнинг барча ташвишлари бекор.

Абдулла Шер — шеър олдигаги жавобгарлигини теран ҳис этиб, ёзганлари тўғрисида кўп ўйлайдиган, битганларининг тақдири борасида тинимсиз мушоҳада қиладиган ижодкор. Аммо унинг бошқа шоирлардан фарқли бир жиҳати: фақат ёзганлари ҳақида

эмас, балки қандайдир сабаб билан ёзилмай қолган шеърлар ҳақида ҳам бот-бот халға чўмади: “Ёзилмаган шеърларнинг титраган Оҳанглири тушларимға қиради”, дейди у бир шеърда. Шоир шеърлик истеъодни омонатга берилган неъмат ҳисоблайди. Бинобарин, кўнгилда дард бўлиб туғилган, аммо қоғозга тушмаган шеър учун ўзини жавобгар санайди.

Ҳар қандай чин истеъод эгаси бир умр бола бўлиб яшайди. У кечаги кундан айрила олмагани, болалигини ҳадисиз қўмсагани учун ҳам қалам сурса керак. Абдулла Шернинг: “Болалиқнинг осмонига қўл чўзиб, Армонларни йиғиштириб оламан. Гоҳ уфқдан қўлни нари ўтқизиб, Неларнидир тимирскилаб қоламан” тарзидаги иқрори шу ҳолатдан далолат беради. Бу сатрларда ушаламаганидан армонга айланган, аммо хануз унутилмаган орзулар, болалик хотирасининг уфқидан нариға ўтиб кетиб, унутилган недири бир муқаддас, недири бир покиза туйғулар ҳам борлиги андуҳ-ла акс этган. Шоир унутилган ана шу туйғулар олдида ҳам масъуллик сезади.

Шоирнинг бошқа бир шеърда бу жавобгарлик туйғуси янада очик ва ёркин намоён бўлади:

Инсон зоти бой бермас кечмиш деган туйғуни, Фақат соғларина ўтмишин ёлда тутмас; Қиригимға қистириб гоҳ бир парча уйқуни, Минг йиллик кечмишимни уйғотаркан бир нафас.

Бу мисралар орқали айтилаётган фикр ҳам, унинг ифода йўсини ҳам ўзига хос. Зотан, ўтмишини унутган кимса, чиндан-да, соядан ўзга нарса эмас. Минг йиллик кечмишини уйғотган одамгина ўзгаларнинг туйғуларига ҳам таъсир кўрсата олади.

Айрилик тўғрисидаги бир шеърда шоир суоянганлар ҳолатини табиатнинг манзарасига гоят уйғунлаштириб тасвирлайди. Шеърда табиатнинг кўришини ёқимсиз ва гариб, лекин бу ўринда у қахрамонлар руҳиятиға мувоэий. Уткинчи-ғурурни деб севгидан кечаётган кишиларнинг гариб руҳияти уларни ўраб турган манзараға жуда мос. Энди табиатнинг гариб турқи севилганлар айрилиғидан келиб чиқадиган фожиа кўламини ошириб, даражасини кучайтиришга хизмат қилади:

«Хайр!», «Хайр!» — Чайир, қуруқ сўз — Севги ёнбош тушган тараша. Ёмғирини, ёни? — Фарқдай олмас кўз: Тумаллидир дилғир қарашлар.

Руҳини эзар кўрсонинг осмон, Питра бўлиб шатирилар ёмғир. Нақ чаккадан қисар беомон Кўз қуни деб аталган омбир.

Оғир-оғир дўйга ботар из, Изни ювар ёмғир бешафқат. «Сен яшайсан, вояжаб, менсиз?!» — Дод ўрниға ёлғиз шу хайрат...

«Хайр!», «Хайр!» — қирс этиб синди Кўтаролмай юрак юкин сўз... Ало қилар бизларни энди Бу айрилик, бу ёмғир, бу куз...

Шоир икки қалбда кечаётган изтироблар ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаган ҳолда инзир-комидиға шахслар руҳиятини манзаралаштирган. Ҳеч нарсани англамайди-ган қуруқ сўзлар, севгининг ҳиссиз тараша каби ёнбошга ташлаб қўйилгани, ёр юзидан ёмғир ёки ёш тинмай оқаётганини биллиб бўлмаслиғи, осмоннинг кўрсониндай оғирлиги, ёмғирнинг сочма ўқ каби қадалиши, куз кунининг чаккадан омбирдек қишиши, лойдагина қолаётган из, ёмғирнинг шу изни ҳам бешафқат ювиши, машуқанинг эндиликда усиз яшайдиган ҳайрат, юрак юкини кўтаролмай сиздан сўз сингари манзаралар руҳият дунёсидаги тўфонларнинг сокин поэтик ифодаларидир. Шоир руҳият тасвирини чизмайди, балки изтироб комида қолган одамнинг дил кўзгусида олам ҳодисалари нақадар гариб ҳолатлигини кўрсатиш орқали руҳиятда кечаётган талотўмларни акс эттиради.

Козоқбой Йўлдош, Кундузой ХУСАНБОЕВА



Абдуғафур РАСУЛОВ, профессор

Катобангазми ўқидан

Бахтлиман, ҳар бўсам капалакнамо Ё юзинг, ё кўзинг, лабиниға қўнар, Гоҳида иккала хандалак аро Қирмизи лоладек дафъатан унар. ...Бўсан тинглайлик: унда то абдад Тамнашиб яшайди гўлак муҳаббат.

Дилором СЛОХИЙ Самарқанд

СОҒ ҲАҚИДА СЎЗ

Биз университетнинг биринчи босқичида таҳсил олаётганимизда Озод Шарафиддинов аспирантуранга эндигина тугатиб, дарс бера бошлаган ёш домла эди. Қардош халқлар адабиётидан бир туркум маъруза ўқиган Озод ака Низомий Ганжавийнинг "Хусрав ва Ширин" достонидаги лавҳани шундай баён қилган эди:

— Фарход сеҳрли тешаси билан тоғни кесиб, водийга сув очди. Ширин эрта тонгда қараса тоғдан шарқираб сув оқиб ётибди. Малика хайрат ва ҳаяжон ичиди: "Ничего себе!", деди.

Талабалик йиллари пахта теримида қишгача қолиб кетарди. Ўтар жойимиз молхона, тўшагимиз похол, ташнобимиз очик дала. Ҳаммомни тушда кўрардик. Арқон билан қор тўкиб пахта териш ҳам, ҳўл тўнкаларни ёриб овқат тайёрлаш ҳам азоб эди.

Шундай вақтларда Озод ака ёнимизда бўлиб маъноли суҳбатлари билан руҳий мадад берарди.

Бир кун домла билан тўнка ёришни бизга ўргатиб қўймоқчи бўлиб қўлимиздан болтани олдилар. Ҳўл ўрик бўласи чайир экан, устозимизни қўйиб қўйди. Ўн қарра болта уриб, ўн қарра "чёрт побери" десалар ҳам тўнка ёрилмади. Шунда қишлоққа ўсган бир курсдошимиз Озод акадан болтани олиб шундай деган эди:

— Тўнка — тўнка-да, домла! Ақли йўқ. Бўлмаса ҳурматингиз учун ҳам ёрилиши керак эди. Бу ишни бизга қўйинг, сиз "чёрт побери" деб туринг, биз болта урайлик. Русчага тилимиз келишмайди.

Бу икки воқеани дўстлар даврасида айтиб берсам, Озод ака сира бўйнига олмас, мен бундай демаганман, ҳеч қачон ўзбек тилига ўрусчани аралаштирган эмасман, аралаштирмайман! "Ни в коем случае!", дердилар.

Домланинг ўша биринчи дарсию тўнка ёриш воқеаси билан суҳбатни суҳбатимиз орасида роппа-росса элик йил вақти бўлиди. Ўшар аср! Бундан бошларимиз бунча замон ичида орадаги ёш фарқи ҳам унут бўлар, устоу шогирд ака-укага, ҳазилкаш дўстларга айланиб қолар экан. Озод аканинг одамоҳунилиги, ўз номига муносиб озоод муҳит яратганлиги учун биз ҳам ўзимизни устоз олдига ўз номимизга яраша эркин тутардик, очик-сочиқ латиғалар айтиб, қалтис аскиялар қилишга журъат этардик.

Лекин ҳар қанча ҳазил-хузул қилмайлик, устоз —

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

ДИД ТУБИГА ЧЎККАН ЛАҲЗАЛАР

устоз мақомида бўлган. Мен ҳам домланинг русча сўзларини хикоя қилганда бир гапни кўшардим:

— Мана, эллик йилки, шеър ёзсак Озод Шарафиддиновга ёқармикан, дея ҳаяжонда юрамиз. Домланинг сўзлари ўша-ўша: ёқса "ничего себе", дейдилар, ёқмаса — "чёрт побери"! Лекин ёзганимизни эътиборсиз қолдириш йўқ. "Ни в коем случае!"



Шеър ёзганда юрак сўзидан
Бошқа сўзни уққан эмасмиз.
Нозирларнинг қаттол кўзидан,
Ҳазилдан кўрққан эмасмиз.

Фақат шеър росмона тиниб
Ўтилмас, хом чиқса ботиб,
Устоз Озод Шарафиддинов
Ковогидан кўрққанмиз, холос.

Шундай улкан истеъод соҳиби, ҳаққўй инсон, одил мунаққид билан замондош бўлганимдан фахрланаман.

КЎНГИЛЧАНЛИК

Миртемир домла ўта кўнгилчан инсон эдилар. Бир кун наشريётнинг узун йўлагидан бир одам домлага қараб, "э, бормисиз, сизни ҳам кўрадикан кун бор экан-ку", дея қучоқ очиб кела бошлади. Домла у билан хуш кайфиятда кадрдонларча қучоқлашиб қўришдилар. Обдон қақчақлашиб бўлишгач, яна қучоқлашиб хайрлашдилар. Эшиккача кузатиб қайтган, биздан сўрадилар:

— У одам ким?
Ҳаммамиз хайрон бўлди:
— Ажабо, ўзингиз қучоқлашиб қўришдингиз, узок отамлашдингиз. Кадрдонингиз эмасми?
— Умримда кўрган бўлсам, ўлай.

— Унда нега энди...
— Ай, буталарим-а! Узоқдан қучоқ очиб келган одамга, кимсан, деб бўладими? Андиша бор-ку, ўзбекмиз-ку! — дея бироз сукут қилгач, қўшиб қўйдилар: — Бир элнинг болалари тугишган бўладилар. Оғамдир, инимдир, битта кадрдоним кўпайса кўпайибди-да!

Етмишинчи йилларда шеърят ҳам, отахон шоиримиз Фафур Фулом номи билан аталган наشريёт ҳам гурқираган, лекин ана шу наشريётнинг айна шеърят бўлимида ишлар пачава эди. Бўлимда Миртемир домла, Абдулла Ориф ва қамина ишлар эдик. Домла шогирдлардан, Абдуллажон мухлислардан, мен шахматдан ортмас эдик. Қўлёмалар вақтида топширилмаган, корректуралар ўқилмаган, план бажарилмаган, ҳамма иш ўлда-жўлда. Наشريёт директори бир махлиса зарда билан, шеърят бўлимини ёпиш, тарқатиш керак, деган. Ушанда ээр жавоб айтилган эди:

дан охиригача зобит аскар бўлиб, жанговар мухбир бўлиб хизмат қилган, неча бор ажал домидан омон чиққан ёзувчининг ҳикоялари нақадар мароқли эди.
Гап айлиниб 60-йилларнинг ўртаси, Иброҳим Раҳим раҳбарлик қилган "Гулистон" журнаlining энг гуллаган вақтларига бориб тақалди.
— "Темур тузуқлари"ни нашр этиб дашонмлар эшитганим учун заррача ҳам ўқинмайман. Агар бу табаррук асарни босиб чиқара олмасам, ўзимни кечирмасдим, умр бўйи виждоним азоб чекарди, — деди ўшанда Иброҳим Раҳим.
Дарҳақиқат, "Гулистон" журнали у йилларда онг ва шууримизни тарбиялаган, халқимиз кўксини кўтарган нашр эди. Ўнинг таҳририяти ижодкор ёшлар учун табаррук даргоҳ ҳисобланарди. Менинг ҳам бир туркум газалларим, "Ўзбегим" касидаси шу журналда босилган. Айниқса Расул Ҳамзаатовнинг "Доғистоним" асари анча шов-шувларга сабаб бўлганди. Журналнинг уч-тўрт сониди босилгач, "юқори"нинг буйруғи билан тўхтатиб

ИНДАМАС ДИРЕКТОРНИНГ БАШОРАТЛИ ҲАЗИЛИ

Мен университетни тугатган йилим Тошкентда янги наشريёт таъсис этилиб, ходимлар танлаш бошланган эди. Табиийки, мен ҳам ҳужжат топширдим. Ишга илиниб олсам шаҳарда қолганим, бўлмаса тақсимот бўйича Сурхондарёга мактаб ўқитувчиси бўлиб кетишим керак. Тошкентдаги адабий муҳит, ёзувчилар уюшмасиданги учрашув ва суҳбатлар, Миртемир домла семинаридан бенасиб қолишим тайин бўлади.

Белгиланган кун директор ҳузурига кирдим. Бўйи икки метрдан кам бўлмаган дароз бошлиқ менга қайрилиб ҳам қарамади. Саломга алик ҳам, ўтиришга таклиф ҳам, нега келдинг, деб сўраш ҳам йўқ. Тик турганча турибман. Агар тақдирим шу индамас, гўдайдан раҳбарга боғлиқ бўлмаганда, Сурхондарё ваҳимаси турмаганда, бор-ей, деб шартта бурилиб чиқиб кетардим.

Иложсизликдан тишни тишга қўйиб туравердим. Ниҳоят бошлиқ қоғоздан бош кўтариб менга қаради ва кўзи билан стулга ишора қилди. Ўтирдим. Яна жимлик. Директор бир даста қаламини муштита тутганча менга тикилиб ўтирибди. Ўша дамда кўнглимга, бу одам соқов эмасмикан, деган ҳаёл ҳам келди. Йўғ-ёй, дедим яна ичимда, шундай катта лавозимга соқовни ўтказиб қўйишмас.

Жим ўтирсам ўтираверадиганман. Ноилж ўзим гап бўладим. Университетни битирганим, ишга кириш ниятим борлигини қисқа қилиб айтдим. Яна жимлик. Шеърлар ёзиб туришимни, матбуотда, радиога қатнашиб туришимни билдирдим. Садо йўқ. Яқинда "Шарқ юлдузи" журналида достоним босилганини, шоир Туроб Тула газетда катта мақола ёзиб мени мақтаганини ҳам айтдим. Ноқулай бўлса ҳам айтишга мажбур бўлдим. Хаёлимда, жим турсам, паттама қўлимга тегадиган. Наشريётга китоб топширганим, қизил дипломим, пахта теримида олган фахрий ёрлиғим ҳам қолмади, боримни дастурхонга тўқдим. Гапим тугади. Ҳамон суқунат. Узок жимликдан сўнг раҳбар шундай деди:

— Наشريёт директор тайинланган. Бош муҳаррир ҳам олганмиз. Сизга лойиқ лавозимни қандай топамиз?
Шунда ўзимга ортқича баҳо бериб юборганимни сездим. Менда айб йўқ эди. Бошлиқнинг индамай ўтирганини кароматингни кўрсат, нимага қодирсан, деган маънода тушундим-да!

— Менга энг кичик лавозимни берсангиз ҳам майли. Иш ўрганишим керак, — дедим энди бироз ўзимни босиб. Бу гап бошлиққа ёқди шекилли, кичик муҳаррир вазифасига тайинландим.

"Ёш гвардия" деб номланган наشريётнинг биринчи директори Сотиболди Йўлдошев билан бирга ишлаб бу камгап, етти ўлчаб, бир кесадиганим, ўз ишига пухта раҳбарнинг кўп фазилатларини билдим. Давраларнинг гули бўлиб ўтирганини ҳам кўрдим. Наشريёт муҳити менга катта мактаб бўлди. Ёшлар наشريёти, сўнг бадий адабиёт наشريётида ўттиз йилга яқин ишладим. Бош муҳаррир бўлдим, директор ҳам бўлдим. Сотиболди Йўлдошевнинг ҳазил билан айтган сўзлари башорат бўлиб чиқди.

Ушанда мен икки йўл ўртасида турган эдим. Бундай лаҳзаларни унутиб бўладими?

БЕРЛИНГА ҚАНЧА ЙЎЛ

1975 йилнинг ёз ойлари эди. "Фауст" таржимони сифатида Германияга борадиган бўлдим. У замонда чет элга фақат Москва орқали чиқиларди. Ҳозирги Тошкент — Франкфурт, Тошкент — Париж рейслари тушимизга ҳам кирмаган эди.

"Украина" меҳмонхонаси йўлақларида кунни қандай ўтказишни билмай у ёқдан бу ёққа юрар эдим. Эртага Москва — Берлин поезде билан йўлга чиқишимиз керак. Гёте ватанини кўриш иштиёқи кўнглимга тинчлик бермади. Бундай пайтда кимгадир ҳаяжонларингни айтгинг келди. Ёлғизлик азоб беради, вақт ўтиши қийин бўлади.

Шундай ҳолатда меҳмонхонада муҳтарам адиб Иброҳим Раҳимнинг учратиб қолдим. Иброҳим ака ҳажвий журналларнинг бош муҳаррирлари йиғинига келган эканлар. Ўша куни кенгача сайр этиб, суҳбатлашдик.

Кўпни кўрган адиб, қарийб ярим асрлик адабий жараён ичида ишлаб ижод қилган, жаҳон урушининг бош-

КЕЧИККАН ҚАҲҚАҲА

Бу воқеага ҳам, қарангки, қирқ йилдан ошибди. Ёзувчи анжуманида содир бўлгани учун у тезда тилдан тилга, китобдан китобга қўчиб шуҳрат топди ва эшитмаган одам деярли қолмади. Биласизларки, адиблар тўқмага уста бўладилар. Битта рост гапга ўнча ёлғон қўшиб, оддий воқеани латиғига айлантириб хикоя қиладилар. Қизик бўлсин деб туппа-тузук инсонларни гўл, далил-девозна қилиб таъсирлайдилар.

Аслида воқеа бундай бўлган:
Ёзувчилар уюшмасининг йиллик ижодий ҳисобот йиғинида ўша вақтда ёш мунаққид бўлган Салоҳидин Мамажонов ёш ёзувчи Юсуф Шомансурнинг "Қора марварид" романини таҳлил қилиб, роса пўстагини қоқди. Яроқсиз асарга чиқарди. Унга жавобан Юсуф Шомансур сўз олиб, танқидини ноҳолисликда айблади:

— Мамажоновнинг менга қасди бор, — деди у. — Уюшма боғида билларда ўйнаб, унинг мазасини қочирган эдим. Аламини оляпти.

Залда қаҳқаҳа кўтарилди.

ЁРДОНГА КЕЛГАН ЙОРДАН

Бир вақтлар бўлғор ёзувчиси Йордан Милев Ўзбекистонга келганда уни Фарғонага олиб бордик, Шоҳимардонни кўрсатдик. Гўзал тоғ қишлоғи Ёрдонга келганимизда таъниқ адиб Улмас Умарбеков дўстига ҳазиллашиб деди:

— Сен бу қишлоққа келган биринчи чет эллик ёзувчисан. Кеча оқсоқоллар кенгаши қарор чиқарди. Қишлоқ сенинг номинг билан аталадиган бўлди.

Биз ҳаммамиз буни тасдиқладик. Атрофда юрганларни қақариб бир-бир қишлоқнинг номини сўрадик. "Ёрдон" сўзини эшитиб, меҳмонимиз яйраб кетди. Уни бошлаб алдадик, деб биз ҳам хур-

тетта кирмоқчи эканини айтди. Бола чиқиб кетгач, мезбонимиз бу йигитчанинг отаси Американинг олдинги қатордаги миллиардери эканини, мол-мулки етти пушти эмас, етмиш пуштира етишини, лекин бу юрт одати бўйича ўғил бола ўқиш учун, уйланиш учун ўзи пул топиши кераклигини айтиб берди. Шунинг учун катта бойларнинг болалари ҳам газета сотиб, машина ювиб пул топишга мажбур бўлар эканлар.

Ғиламфуруш мезбонимиз бу бола тўғрисида қизик бир хикоя айтиб берди.

— Қачонки ёмғир ёға бошласа, мендан ярим соатга рухсат сўраб, кўчага югурадиган одати бор. Бир кун бола қаёққа бораркин деб орқасидан қидим. Ёнимиздаги дўхондан бир даста ёмғирпўш олиб, метро бекатига югурди, бир зумда пуллаб қайтди ва яна дўхонга кириб кетди. Мен боланинг тадбиркорлиги-

санд. Кечки зиёфат вақтида Йордан сўз олиб шундай деди:

— Бу ажойиб сўлим масканга менинг номим берилгани учун бошим осмонга етди. Араблар бир замон катта дарёсини Йордан деб, бир мамлакатни Йордания деб атаган эдилар. Мана, улар ёнига қишлоқ ҳам қўшилди. Булғорияда биров таниб, биров танимаган бир ёзувчига дўнуда шунча иззат, эътибор! Араб дўстларимга раҳмат, лекин уларнинг дарёси ҳам, мамлакатни ҳам менга керак эмас. Булбуллар сайраган, сойлари шарқираган, жаннат шамоли эсиб турган бу қишлоққа оламни алишмайман!

Йордан Милев Ўзбекистонга кўп бор келди. Ҳар келганда биринчи саволи шундай бўларди:

— Қишлоғимга қачон борамиз?

га тан бердим. Ҳисоб қилсам, ҳар ёмғир ёққанда кундалик маошидан икки баробари чўнтағига тушар экан. Нью-Йоркда нима кўп ёмғир кўп... Отасининг боласи, — деб шуни айтди.

Орадан ўн йилча ўтиб йўлимиз яна ўша кўчага тушди ва ғилам дўконига кириб, эски танишимизни яна бир қўриб кетгимиз келди. Туркман оғайнимиз аввалгидан ҳам хурсанд бўлиб кетди. Суҳбат орасида мен миллиардернинг ўғлини сўрадим. У университетни битириб компьютер ишлаб чиқариш соҳасининг корчалонларидан бўлиб етишибди. Ҳиндистон, Малайзияда концерн ва компаниялари бор экан.

— Ҳадемай отасини йўлда қолдириб кетади, — деди мезбонимиз ва ҳазиллашиб қўйди, — дуомизни олган-да!

— Тарқатиш учун аввал йиғиш керак. Уч ходимни тўглаб бўлмас, қандай тарқатасиз?

— Тўғрайман, тарқатаман, — деди, директор ва айтганини қилди. Яъни уювимизни ўз хонасида йиғди.

Ажойиб инсон эди директоримиз Тўлқин Рустамов. Миртемир домла билан тенгдош, эски кадрдон, сенсирлашиб гаплашадиган ўртоқ эди.

Раҳбар узок гапирди. Партия сийёсати, давлат олдидаги масъулият, наشريёт плани, интизом нима эканини бизга яхшилаб ўқирди. Миртемир домла унинг ҳар гапига бош ирғаб маъқуллаб ўтирдилар. Охири маълум бўлдики, бирор сўз домланинг том битган қулоғига кирмабди. Директор:

— Миртемир, қани айт, гапларим тўғрими? — деган-да устоз:

— Ўйга айтасан, Тўлқин, библиотекани тартибга солмас бўлмайди, — дедилар.

Ташқарига чиққач, домлани ўртага олдик. Устоз:

— Ўлай агар, бир оғиз сўзини ҳам эшитмадим, уят бўлди, жуда уят бўлди, — дердилар.

— Каттиқроқ гапир, десангиз бўлмасми, ахир ўз кадрдонингиз-ку!
— Ошнам бўлса ҳам ҳўжайиним. Раҳбарга индаб бўладими! Каттақоннинг гапини бўлиш одобдан эмас, бўталарим.

Биз Миртемир домлага айтардик:

— Биз ёшлар давлат хизматини қилишга мажбуримиз. Сиз улуг шоирсиз. Шу арзимас ойликнинг баҳридан ўтиб, ҳар йил бир китоб чиқарсангиз, кўнглингиз хотиржам, қулоғингиз тинч, чўнтагингиз ўн қарра бақувват бўлади-ку.

Домла жавоб берар эдилар:

— Шундайликка шундай. Лекин мен кетаман, десам директорнинг хафа бўлади-да. Дўстимни ранжитсам бўлмас.

Биз устознинг бу сўзини директорга айтиб, домлага рухсат беринг, пенсия ёшидалар, чарчаганлар, десак, директор: "Домланг ўзи сўрамаса, ариза бермаса, мен қандай қилиб кет, дейман", дерди.

Бу ўзаро кўнгилчанлик яна бир йилча давом этди. Сўнг олдинма-кейин учовлон ҳам "Ўз арзамизга кўра" наشريёти тарқатдик. Манас, Данте, Гёте мушкулликни осон қилди. Уч буюк шох асар таржимасини зиммамизга олиб наشريёт билан хайрлашдик.

кўйилди. Миллий ҳис уйғотувчи асарларнинг турли элатларга ёйилиши у замон мафқурасига зид эди.

— Фашистнинг ўқидан кўрқмаган, майда амалдорнинг дўқидан кўрқамани? — жасоратли муҳаррирнинг бу сўзлари қулоғимдан кетмайди.

Ҳамма газета-журнал раҳбарияти "редактор", "редколлегия" деб аталганда биргина "Гулистон"да "муҳаррир", "таҳрир хайъати" дея ёзиларди. Бу ҳам бошқаларнинг гапини келтирар, очик айтолмасалар-да пана-панадан, "бу нима олиффагарчилик" деб юрардилар.

Москвадаги тасодифий учрашув мен учун қисматнинг совғасиди бўлган. Ушанда кўнглимга тугиб юрган кўп саволларимга жавоб олгандим. Охирги саволим шундай бўлди:

— Эртага поезд билан Германияга жўнашимиз керак, билмайсизми, Берлинга неча кунлик йўл?

Жангчи адиб жавоб берди:

— Поезд қанча юришини билмайман, лекин биз борганда Берлин тўрт йиллик йўл эди...

УЧ СОҚОВНИНГ САРГУЗАШТИ

Бугун ёшларимизнинг чет тилларда булбулдай сайрашларини кўриб, ҳам ҳавас қиламиз, ҳам ўзимизнинг "тилсизлик" туфайли бошимизга тушган кунларни эслаб ўқинамиз.

1989 йили икки биродарлашган шаҳар Тошкент ва Сизёл хақида ҳужжатли фильм тайёрлаш топшириғи билан уч муаллиф — режиссёр, сувартага олувчи ва қамина — филм матнини ёзувчи АҚШга жўнаб кетдик.

Нью Йоркка бизни, келишилганидек, қўлида номларимиз ёзиллик тахтача ушлаган аёл кутиб олди. Сизёлга учадиган тайёрагача кузатиб хайрлашди. Уч соатга яқин парвоз тугаб тайёрамаиз ерга қўнганда, манзилга етиб келдик, деб оқсонга шошилдик. Лекин юклар оқими ичида бизнинг чамадонлар ҳам, ташқарида бирор кутиб олувчи ҳам кўринмас эди. Анчагина турдик. Ҳеч ким ёнимизга келмади, кимсан, нима қилиб турибсан, демади. Вақт ўтган сари хотиржамлик безовталikka, безовталиқ ваҳимага айланди. Бегона китъа, бегона шаҳар. Оғизда забон, чўнтакда пул йўқ. Ўз юртида тили бир қарич бўлган биз уч олифтаннинг нотавон аҳволини кўринг!

Жон кўзга кўринганда нималар ҳам қилмайсан киши. Учовлон тайёра билетларимизни қўлга олиб, биринчи учраган аэропорт хизматчисининг йўлини тўсдик. "Кечирасиз, бизга ёрдан беринг", дейдиган тил қани! Хизматчи аёл аввалига чўчиди, сўнг ночор ҳолатимизга қараб вазиятни тушунди. Ҳолатимиз эса бундоқ эди: учов кўлда чипта ушлаганча елка қисган, ҳайронлик аломатида қотиб турган бамисоли уч хайқал эдик.

Хизматчи чипталаримизни кўриб қўл соатиға қаради ва юзюда ҳаяжон аломати пайдо бўлди. Тезда чўнтагидан қалам олиб, чипта устига катта қилиб 14 рақамни ёзди ва йўлақлардан бирини кўрсатиб, югуриш ишорасини қилди. Биз ўша томонга қараб югурдик. Англадикки, ҳали манзилга келмабмиз. Аэропорт дарвозалари кўрсатқиларига қараб чопганча охири 14 рақами олдида тўхтадик ва хизматчиға чипталарни узатдик. Хизматчи бошини сарак-сарак қилиб тепамизда турган соатни кўрсатди ва чипталарга тамға уриб, бизни ичкари киритди. Тайёра салони тўла одам, фақат ўрталарида уч ўрин бўш эди. Ўтирдигу тайёра худди бизни кутиб тургандай қўзғалиб, учини майдонга йўл олди.

Уша кунни Оллоҳ бизни шармандалди хор-зорликдан омон сақлаб қолди. Биз йўлини тўсиб чиққан аёл — аэропорт хизматчиси бизга қўйибдан келган нажот фаршаси бўлди. Унинг меҳрибон ва ташвишли нигоҳи кўз олдимдан кетмайди.

Ким билсин, у бизни кар-соқовлар деб ўйлагандир. Ҳар қалай, унинг астойдил ҳаракатисиз ҳолимиз ёмон эди.

Сафардан олганим ўша аччиқ сабоқ бўлди. Инглиз тилини ўрганишга қатъий аҳд қилдим ва аҳдимни андаккина бўлса-да бажардим. Уша "андак" олис йўлларда кунимга яради. Дудуқ бўлсам-да, соқов бўлмадим. Бугунги ёшларга энди тил ўрганинг десам, худди сув ичинг, нафас олиб туринг, дегандек бўламан. Тил бишли ҳаётий заруратга айланди.

МИЛИАРДЕРНИНГ ЎҒЛИ

Нью-Йоркнинг марказий мавзеси Манхеттенда сайр қилиб юрганимизда шунчаки томоша учун гилам дўконига кирдик. Дўкон эгаси ўрта ёшли туркман экан. Бизни кўриб, худди қариндошини учратгандай суюниб кетди. Ичкарига, чоғроқ хонага таклиф қилди, чой, қаҳва буюрди. Юртини соғинган экан, биз билан яйраб гаплашди. Махтумқули шеърларидан ўқиб, Комилжон Отаниёзовни эслаб гурунглашдик.

Чамаси ўн беш-ўн олти ёшли қоп-қора негр бола дастёр бўлиб бизга хизмат қилди. Мезбон менга имо билан, бу болага бир қараб қўйинг, гаплашинг, деган ишорани қилди. Мен боладан исмини, қаерда ўқишини сўрадим. У коллежни тугатиб, универси-

Яйра АБДУЛЛАЕВА: Ўзбекистон халқ артисти

БАХТ ҲАМИША МЕН БИЛАН БИРГА

Умр ўтган сари босиб ўтган ҳаёт йўлинг бирма-бир кўз олдидан ўтаверар экан... Ўзимни энг бахтли актрисаман, деб ўйлайман. Зеро, бахт туғилган кунимдан бўён мен билан бирга. Санъаткорлар оиласида дунёга келдим. Холаларим Тамарахоним, Гавҳар Раҳимова, онам Ли́за Петросова, дадам Умаржон Абдуллаевни ким танймайди, дейсиз...

Болалигимда турли воқеаларни ўйлаб топиш, ҳаёлимдаги воқеа-ҳодисаларга реаллик бағишлаб, одамларни хайратга солишни яхши кўрадим. Энди билсам, бу бошқа қиёфада киришган асоси, яъни саҳна тилида айтганда артистизмнинг илдизлари экан. Тамарахонимнинг ишга кетишини пойлаб турардим. Уйдан чиқиши билан либосларини кийиб турли қиёфаларга кирардик, спектакллар, концертлар уюштирадик. Кизиги шундаки, қанча пайтга кетишдан қатъий назар, ҳеч нарсаларини беркитиб қўймас, шакафлари шундай очик турарди. Оиламизда санъат ҳукмрон эди. Ашула, ўйин, мусика ичида катта бўлдим. Ўзбек мумтоз куйлари қатори Берди, Чайковский, Лян Ковалони яхши билардик.

Кин эмаслигини болалигимдан билардим. Онам кўп гастролда бўлгани учун бумининг кўлида катта бўлганман. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мен билан ўйда қоладиган одам йўқлиги, моддий тақчиллик сабаб, 14 ёшимда Гавҳар холам ёшимни каттароқ кўрсатиб, фронт бригадаси таркибидеги аёллар ансамблига ёздириди. Шу баҳона санъатдаги ҳаётим бошланди.

Урушдан қайтган, 15 ёшимда институтнинг тайёрлов бўлимига қабул қилиндим. Дарсларнинг бир қанчаси театрда олиб бориларди. Талабалар оммавий саҳналарга жалб қилинарди. 1947 йили театрга тақлиф олдим. «Дон Жуан» спектаклидаги Донна Анна ролига тақлиф этишди. Жудаям кўрқиб кетдим, сабаби, у пайтда ўзбек

роли топширилди. Аста-секин хилма-хил характердаги, масъулиятли образларни бера бошладим. «Йўлчи юлдуз»да Гулнор, «Момакалдирик»да Катерина, «Холисхон»да Холисхон, «Алишер Навоий»да Гули, «Бой ила хизматчи»да Жамила, «Ганг дарёсининг қизи»да Хемнолини... Бу образларнинг бари мен учун катта мактаб бўлди.

Санъатимиз фидойилари

Хар бир образ устидаги ишда устозларимдан ўргандим, уларни кузатиб, ўзимга зарурларини образга синдиришга интилдим. Ушбу саҳнада ўн олти ёшдан етмиш ёшгача бўлган бosh қарамонлар образларини яратдим. Бугун умрим давомида бош қарамонлар образларини... Бундай ажайиб саҳнавий тақдир ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунда аввало устозларимнинг хизмати катта.

Бахтим шундаки, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Шариф Қаюмов, Баҳодир Йўлдошев сингари саҳна санъатининг моҳир режиссёрлари билан ишлаш насиб этди. Ишлаш ва изланишдан толмайдиган бу режиссёрлар имкониятимга ишониниб, бир-биридан мураккаб образларни топшириб, янги қирраларим намойиш бўлишига имкон яратди. Ҳеч қанча раво образларни хушламаганман. Тўғри, бу каби образлар ҳам ижодимда учрайди. Ёшларим маҳоратини чархлаб бўлмайди. Ибротли мумтоз асарлар, замон қарамонлари қиёфаси акс этган пухта пиесалар зарур.

Баъзан учрашувларда «Армонингиз борми?» деб сўрашади. «Қанақанги армон?», дейман. Фарзандларим, бир-биридан ширин набираларим бор. Катта набирамга онаминг номларини қўйган бўлсак, кичик набирамга меннинг исминини беришган. Театрда ўз ўрнини топганман. Истиқлол менга куч-қувват бериб, кекса чоғимда ҳам мухлисларга манзур бўла оладиган образлар яратдим. Ҳозир ҳам саҳнада ўз ролларим бор. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирландим. Бир аёл, бир актриса учун бундан ортик бахт борми?!

шунчалик масъулият билан ёндашдим. Гавҳаршодбегим, Нигорхоним...

Албатта, ҳар бир янги образ узок ва тинимсиз меҳнат натижаси. Ўзимга муносиб образлар топширилаётганда ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Режиссёр Валижон Умаров Александр Кассонанинг «Дарахлар тик туриб ўлади» асарини саҳналаштиришга киришар экан, менга бош қарамон Эухенна ролин топширган-да анча жиддий тайёрландим. Умр шомии яқинлашганда қисматга айланган жоҳеасини мардонавор кутиб олган кекса аёл қиёфасини ишонарли, табиий талқин этишга интилдим. Айниқса, ҳаёт лаззатларига ҳамон ташна кекса аёлнинг фарзандларидан ёлғиз ёдгор набираси кўрнамалик қилганда ҳам иродаси синмагани, имонини бут сақлаб қола олгани, ўзининг ҳақ йўлига содиқ ҳолда мардонавор жон тақлим этгани қалбимни ларзага келтирди, бор маҳоратимни ишга солдим. Сўнгги — «Меҳр-муҳаббатли саккиз аёл» (Тома асари) комедиясидаги буйи роли тамомла бошқача образ. Анча худбин, очкўз, ҳасис аёл образи орқали ўз халоватинингга ўйлайдиган, ўзгалар ҳисобига яшайдиган кимсаларни фош этишга ҳаракат қилдим. Бугун ҳам янги-янги образлар орзусидаман.

Турли қиёфалардаги образларини ижро этгим келади. Умрини ҳалолликка, эзгуликка бағишлаган кучли аёл образини яратсам дейман. Бугун театримизда истеъдодли ёшларимиз кўпчилики ташкил қилади. Биз катта авлод вакиллари улардан тажрибамизни, маслаҳатимизни амаслигимиз керак. Ҳамма вақт комедия, маиший мавзулардаги асарлар билан ёшларнинг маҳоратини чархлаб бўлмайди. Ибротли мумтоз асарлар, замон қарамонлари қиёфаси акс этган пухта пиесалар зарур.

Баъзан учрашувларда «Армонингиз борми?» деб сўрашади. «Қанақанги армон?», дейман. Фарзандларим, бир-биридан ширин набираларим бор. Катта набирамга онаминг номларини қўйган бўлсак, кичик набирамга меннинг исминини беришган. Театрда ўз ўрнини топганман. Истиқлол менга куч-қувват бериб, кекса чоғимда ҳам мухлисларга манзур бўла оладиган образлар яратдим. Ҳозир ҳам саҳнада ўз ролларим бор. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирландим. Бир аёл, бир актриса учун бундан ортик бахт борми?!

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА эзиб олди.

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Отам, Ўзбекистон халқ артисти Фарзиддин Фаёзов бугун ҳаётини театрга бахшида этган санъаткор эди. Шубҳасиз, театр санъатиға кириб кесиди ўтказилган маҳорат дарслари ҳам жамоамизнинг ёш актёрлари учун фойдали бўлди.

Яқинлашиб келаётган 2013 йил мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ижод қилишида у кишининг хизмати катта бўлган. Очиғи, дастлаб санъат йўлидан кетиш ис- тагим борлигини айтганимда, бу со- ҳанинг машаққат- ларини бошидан ўтказган отам фик- римни қўллама- ган. Бироқ театрға муҳаббатим шун- чакки ҳавас эмас- лигини сезга- ч, менга имкон бе- риб, кўп марта ре- петиция жараёнла-



"КИЧКИНА МУК"НИНГ КАТТА ЮТУФИ

рени кузатиш учун олиб борди. Шунда ҳам қароримда собитлигимни кўргач, оқ фотиҳа бериб, ижодимга омад тилаган. Шу тариқа Санъат институтининг «Драма режиссёрлиги» бўлимига ўқишга кириб, таниқли режиссёр Олимжон Салимов устахонасида сабоқ олдим. Лекин вақт ўтиши билан режиссёрликдан кўра, актёрликка муҳаббатим кучли экани маълум бўлди.

Ниҳоят, 2008 йили республика Ёш томошабинлар театрида актёр сифатида иш бошладим. Биринчи ролим Гафур Гуломнинг «Шум бола» асари асосида саҳналаштирилган «Халфана» спектаклидаги Омон роли бўлди. Кейинчалик, режиссёр Алек- сандр Гамиров менга ишонч билди- риб, бир қанча спектаклларда бош қарамонлар образини топширди. «Тўрт эгизак», «Қор маликаси», «Ки- чкина Мук», «Маликани ким қўтара- ди?» каби спектакллар актёрлик ма- ҳоратимнинг юзага чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ростини айтганда, ижодкор сифатида шаклланишимда А.Гамировнинг роли катта. Режиссёр аввало актёр- га ижодий эркинлик беришга ҳаракат қилади. Яъни, спектакл давомида бизда ролга нисбатан шахсий муно- сабатни шакллантиришга интилади. Масалан, мавсум очилишида саҳна юзаси кўрган «Маугли» спектаклида бош қарамон ролин ижро этдим. Дублёрим актёр Файзулло Аскар- ов бўлди. Энг кизиги, бир ролни ўйна- сак-да, ижроларимиз бир-бирига сира ўхшамайди.

Бугун мамлакатимизда театр санъати ривожига, айниқса, ижодкор ёшларни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда «Дебют», «Art Week Style.uz» каби санъат анжуманлари ёшлар ижоди- ни халқро микросда ҳам намойиш этиш учун катта шароит яратаятгани эътиборга лойиқ. Қувонарли жиҳати, бу йил «Theatre.uz-2012» фестивали- да бизнинг театримиз «Халоллик ис- тиб келдим» спектакли билан катна- шиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, фестивал доира-

аҳли олдиға ҳам масъулиятли ва- зифалар қўяди. Обод ва фаровон турмуш барпо этишни мақсад қилар эканмиз, аввало, одамларнинг қалби маънавият зиёси билан обод бўлиши керак, деб ўйлайман. Бу борада санъаткорларнинг эзгу гоёларни тарғиб қилиш йўлидаги савъй-ҳаракатлари асосий омил бўлади. Республика Ёш томошабин- лар театри ижодкорлари ҳам гўзал- лик, покликка йўғрилган гоёларни тарғиб қилувчи спектаклларни саҳ- налаштиришни мақсад қилмоқда.

Айни пайтда театримизда ижодий изланишлар авжида. Янги йилда мух- лислар эътиборига «Тузук», «Ақл ва Нафс» каби саҳна асарларини тақ- дим этишни режалаштирганмиз. «Роли ва Нафс» спектаклида Нафс рол- и менга топширилган. Асар воқеалари Далавой исми қарамон ҳаётида юз бериб, унинг вужудда бир вақтнинг ўзида Ақл билан Нафс кураш олиб боради. Ақл билан Нафс ўртасида қурилган диалоглар миллий чоғлар жўрлиғида давом этиб, доира усул- лари билан бойитилади. Бу каби ре- жиссёрлик топилмалари актёрлар- нинг янги ижодий қирраларни очили- шиға имкон бериши шубҳасиз.

Томошабинларнинг хабари бор, театримизда янги йил арафасида катта байрам томошалари ташкил этиш аънамага айланган. Унда жа- моамизнинг ҳар бир актёри ўз ре- пертуари билан иштирок этиб, мустақил ижод намуналарини тақ- дим этади. Ёш актёр сифатида мен ҳам бу тадбирда фаол қатнашишга ҳаракат қиламан. Бу сафар томо- шабинлар учун эстрада қўшиқлари- дан иборат концерт номерларини тақдим этмоқчиман. Кириб келаёт- ган янги 2013 йил билан театримиз ижодкорлари номидан барча санъ- ат ихлосмандларини қўтлайман! Янги йил байрами, айниқса, бола- жонларнинг энг сеvimли байрами- дир. Шундай экан, жажжи мухлис- ларимиз янги спектаклларимиздан баҳраманд бўладилар, деб ўйлайман.

Лобар ҚОБИЛОВА



Яйра Абдуллаева ҳамкасблари даврасида.

Тарбиямда онаминг хизматлари катта. Онам қорақалпоқ рақс санъатининг равнақиға ҳам беқиёс ҳисса қўшган. Яқинларимға қараб буй чўғим келаверарди. Онаминг ўғитлари ҳамини қўлоғимда: «Сен одамлар учун, томошабин учун яшашинг керак. Санъаткор худди ойна ичида яшаган- дек. Хар бир қадамингни халқ билади, кузатади, шунинг учун қадаминг- ни ўйлаб бос, ўйлаб гапир». Шу са- баби, мен нима мумкин нима мум-

тилини яхши билмасдим. Яна мавжуд тартибларға кўра талабаларни ишга қабул қилиш мумкин эмас экан. Шун- дан кейин ўзбек тилини ўрганишға астойдил киришдим.

19 ёшда олий маълумотли бўлдим. Энди энг катта даргоҳда, етакчи актёрлар билан ишлайман. Дастлаб Горькийнинг «Мешчанлар» драмасида тешиқулча сотувчи аёл ролин беришди. Кўп ўтмай, Абдулла Қаҳорнинг «Шохи сўзана» драмасида Хафиза

«ТЕАТР ВА ЁШ АВЛОД»

Янги шаклдаги кўгирчоқ театри ва ёш томошабинлар театри моделини ижодий-технологик жиҳатдан, замонавий режиссура ва актёрлик маҳорати талаблари асосида модернизациялаш, айниқса болалар театри драматургия ва режиссурасида профессионализм, бу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини асосли ёритиш, кўгирчоқ театри мутахассислари учун ўқув қўлланмалар, дарсликлар тайёрлаш бугун долзарб вазифа ҳисобланади. Шу маънода «Театр ва ёш авлод» номи илмий монографиянинг чоп этилиши катта амалий-назарий аҳамиятга эга.

Китоб саҳифаларида аънавий кўгирчоқ те-

атри тарихидан лавҳалар ҳам ўрин олган. Ўн йилдан ортиқроқ давр мобайнида янги кўгирчоқ театрининг ташкил этилиш шароити ёритилган. Санъатшунослик фанлари доктори Э.Мухторов, фан номзодлари Ҳ.Икромов, Т.Йўлдошев, ёш санъатшунос М.Мухторова мақолаларида янги кўгирчоқ театри генезисини белгилаш, кўгирчоқ театрининг ўзига хослиги ва режиссурасининг бугунги савияси ҳақида республика Кўгирчоқ театри ҳамда вилоят театрлари репертуаридаги спектакллар таҳлилига таяниб сўз юритилади.

Китоб «Ўзбек театри тарихи» фаннинг болалар



Дуний ханроқ

ва ёшлар театри билан боғлиқ ўринларини тўлдиришда, ёш авлодни маънавий-ғоявий тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу монографияда театр ва ёш авлод ўртасидаги икки томонлама алоқа масалалари ҳам атрофлича ёритилган.

Мазкур илмий монография соҳа педагоглари, театр жамоалари учун жуда фойдали қўланма бўлади, деб ўйлаймиз.


Тоир ИСЛОМОВ, санъатшунослик фанлари номзоди

«ОЛТИН ГЛОБУС—2013»

«Олтин глобус» танловини кино мухлис- ларига таништиришнинг хоҳати йўқ. «Оскар», «Олтин пальма» каби мукофотлар билан бир қаторда эътироф этилувчи ушбу соврин барча кино ижодкорларнинг орзу- сига айлаган, десак хато бўлмайди. Голливуд матбуот ассоциацияси бу йил етмишинчи мартаба ўтказилиши режалаштирилган нуфузли танловнинг навбатдаги номзодларини эълон қилди.

Унга кўра Стивен Спилбергнинг «Лин- колн» тарихий драмаси етти йўналишда бош совринга даъвогарлик қилади. Улар орасида «Энг яхши драматик филм», «Энг яхши режиссура», «Энг яхши драматик рол ижрочиси» каби номинациялар бор. Бу борада Спилберг картинаси билан «Арт» операцияси ҳамда «Озод этилган Жанго» филмларининг муаллифлари рақобатлаши- ши таҳмин қилинмоқда. Хар иккала картина беш йўналишда «Олтин глобус» совринига сазовор бўлиши мумкин.

«Энг яхши комедик асар» номинацияси- да «Тўли ой қироллиги», «Мериголд» мех- монхонаси, «Инкор этилганлар», «Менинг орзумдаги балиқ» филмларининг яратув- чилари даъвогарлик қилаётган бўлса, «Энг яхши режиссёрлик иши» йўналишида Квен- тин Тарантино, Бен Аффлек, Кэтрин Биги- лоу каби ижодкорлар беллашади. Шунинг- дек, анимацион филм ижодкорлари ораси- да ҳам кизгин баҳс кечиши кутилмоқда. Бу номинацияда «Ральф», «Шерюрак», «Фран- кенвини» каби машхур картиналар ўрин ол- ган. Эслатиб ўтамиз: «Олтин глобус» тан- лови голибларини тақдирлаш маросими 2013 йилнинг 13 январь куни бўлиб ўтади.



ДУНЁДАГИ ЭНГ ТОМОШАБОП МУЗЕЙ

Санъат ихлосмандларининг хабари бор, ўтган йили Лувр дунёнинг энг томошабоп музёи сифатида тан олинди. Ҳисоб-китоблар- га кўра музейни тўққиз миллионга яқин киши зиёрат қилган. Уларнинг асосий қисминини чет эллик сайёҳлар ташкил этган. Бу йил ҳам Лувр ўз аънарасини давом эттириб, энг то- мошабоп музей сифатидаги макрмини сақ- лаб қолди. 2012 йилда Лувр экспонатлари- ни ўн миллиондан ортик мухлислар томоша қилди. Бу жаҳон музейлари орасида ўзига хос рекорд ҳисобланади.

Яна бир жиҳат, Луврга ташриф буюрган мухлисларнинг асосий қисминини бу сафар осёлик санъат ихлосмандлари ташкил қил- ган. Мутахассисларнинг фикрича, ислом ма- данияти ҳамда Рафаэл Санти ижодиға ба- гишланган янги экспозицияларнинг очилиши томошабинларни жалб этишда катта аҳа- миётга эга бўлган. Зеро, биргина ислом санъа- тига оид ноёб буюмларни томоша қилиш учун музейға олти юз эллик мингдан ортик мух- лислар ташриф буюрди.

ВАТИКАН ҲАЗИНАСИ ИНТЕРНЕТДА

Ватикан бугунги кунда ноёб санъат на- муналари сақланаётган энг йирик маскан- лардан бири сифатида ҳам машхур. Бу бо- рада Лувр, Метрополитен каби музейлар ҳам Ватиканнинг бир неча асрлар давоми- да тўпланган бой коллекцияси билан тенг- лаша олмайдиги.

Хабарингиз бор, ўтган йили Оксфорд университети олимлари Ватиканда сақла- наётган қўлёзмаларни рақамли шаклга ўтказиб, интернет тармо-ғида эълон қилишға муваффақ бўлишди. Энди мухлислар Вати- канда сақланаётган тасвирий санъат намуналарини ҳам электрон шакл- да томоша қилиш имконига эга. Бунинг учун махсус интернет саҳифаси ташкил этилган. Унда уч ярим миллиондан ортик санъат аса- рининг рақамли нусхалари бўлиб қолган. Маълумотларға қараганда, ушбу жамолама ҳозир- ги кунда мавжуд энг катта электрон галерея ҳисобланади. Бироқ лойиҳаға бошчилик қилаётган мутахассислар бу билан чекланиш ниётида эмас. Уларнинг таъкидлашича, галерея мунтазам равишда янги асарлар билан бойитиб борилади.

3D СПЕКТАКЛЛАР


3D шаклида яратилган бадиий филмлар- ни бугун дунёнинг қўплаб мамлакатларида учратиш мумкин. Бироқ 3D кўринишидаги спектаклларни хали ҳеч бир санъат мухли- си томоша қилмагани аниқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу технология асо- сида саҳна асарларини суратға олиш ҳам

мумкин экан. Британиянинг «The Independent» нашрининг хабар беришича, 3D спектаклларини яратиш иши аллақачон бошланган, унга Голливуднинг машхур режиссёри Жеймс Кэмерон бошчилик қил- моқда.

Лойиҳаға кўра Санкт-Петербургнинг машхур Мариинск театрида тақдимоти бўлиб ўтиш режалаштирилган Пётр Чай- ковскийнинг «Оққуш кўли» балети 3D шак- лида суратға олинади. Қизикarli жиҳати, филмни яратиш жараёни тақдимот маро- сими билан биргаликда олиб бо- рилади. Шунингдек, Кэмерон «Оққуш кўли» балетини жонли эфирда дунёнинг бошқа мамла- катларида ҳам намойиш этишни «Оққуш кўли» балетини жонли эфирда дунёнинг бошқа мамла- катларида ҳам намойиш этишни режалаштирган. Ушбу лойиҳани амалға ошириш учун Мариинск театри саҳнаси махсус камералар билан жиҳозланиб, ўзига хос суратға олиш майдончасига айлан- тирилади. Спектаклда машхур «Аватар» фильми- да қўлланган технологиялардан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Театр тарихида бирин- чи 3D спектакли тақдимоти 2013 йилнинг 14 февраль куни бўлиб ўтади.

ҚАДИМИЙ КАРНАЙ

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Европада яшаган қадимий халқлар орасида галл қабилалари музикий асбоблардан кенг фойдаланган. Улар орасида, айниқса, «кар- най» номи билан машхур бўлган жанговор карнайлар алоҳида ўринга эга. Афсоналар- га қараганда, ушбу музикий асбоб инсон ру- хиётиға таъсир этиш хусусиятиға эга бўлиб, унинг овозини эшитган рим легионерлари жанг майдонини ташлаб қочшган.



Тўғри, жанговор карникларнинг намуна- лари бизға асл ҳолида етиб келмаган бўлса-да, мутахассислар бу муаммонинг ечимини топишға эришишди. Узок йиллар давомида галл чоғу асбобларини ўрганиш билан шугулланган Франция миллий археоло- гия институти тадқиқотчиси Кристоф Ме- нике қадимий карнайни қайта тиклашға му- ваффақ бўлди. Галл карнайининг тузилиши ҳақидаги маълумотлар деярли сақланиб қолмагани туфайли олим турли мамлакат- ларда аниқланган топилмалар асосида му- сика асбобининг йиғма нусхасини яратиш- ға эришган. Тадқиқотлар натижасида кар- никларнинг узунлиги қарийб бир юз саксон сантиметрни ташкил этгани маълум бўлди. Бундан ташқари, уларни ясашда ўзига хос мис қотишмасидан фойдаланил- гани ҳам аниқланди. Айни пайтда К.Мени- ке музикий ижро учун мўлжалланган карникнинг иккинчи нусхасини яратишға киришган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

“ШИОРНИНГ МОҲИАТИ НИМАДА?”


“Маънавият” нашриёти таниқли ёзувчи ва драматург, публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Шиорнинг моҳияти нимада?” деб номланган рисола...

соллар орқали миллат шаънини юксалтирган бекиёс фарзандлар камол топган улуг оилаларнинг ўзига хос муҳити, ибрат олишга арзигulik жиҳатлари ҳақида эҳтиром билан сўз юритилади...



“КЎХНА ПОЙКЕНТ ҚИССАСИ”

Халқимиз тарихининг ҳар лаҳзаси ҳикмат, юртимизнинг ҳар бир қадамжоси катта китобларга мавзу бўлгулик. Истиқлол йилларида миллат тарихи, буюқ тарзининг миллий маънавиятни шакллантириш, одамлар ўртасида ҳамжиҳатликни сақлаш, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлашдаги бетақорр жиҳатларини таҳлил этиб, муайян хулосалар чиқарилади...



Китоби ҳам Бухоро вилоятидаги қадимий Пойкент ёдгорликлари ҳамда мазкур қадимий шаҳар гуллаб-яшнаган даврларда унинг ўз замонасининг тараққий этган мамлакатлари билан иқтисодий ҳамда маданий алоқалари тарихига бағишланган. Муаллиф Муҳаммад ибн Жаъфар Нарзахийнинг “Бухоро тарихи” китоби ҳамда умрининг қарийб ярим асрини археологик изланишлари бағишлаган таниқли қадимшунос олим, академик Абдулахад Муҳаммаджоновнинг тадқиқотлари бағишланган ҳамда Пойкент тарихига доир қизиқарли маълумотларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этган.

Доимий ҳамроҳ

“УЛУҒ ВА САДОҚАТЛИ МУҲАББАТ”



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган “Улуғ ва садоқатли муҳаббат” номли китоб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ҳаётининг адабий муҳлисарига номуъалым саҳифалари билан боғлиқ ажойиб хотиралар, мактублардан таркиб топган. Адибнинг рафикаси Марям Ёқубова билан ёзишмаларини ўқиган ўқувчи кўз ўнгидеги икки севишган қалб, сафдош, маслақдош, вафодор ёр, фарзандларига меҳрибон, меҳнатқаш икки инсон кад ростлайди.

“ОНАМ ДУОСИ”

Ватанга бағишлаб шеър битиш ҳар бир ёш қалб ва иқтидор эгасининг орузи. Ана шундай эзгу орзу йўлида қалам тебратётган навқирон ижодкорлар орасида Жамшид Акбаров ҳам бор. Яқинда “Наврўз” нашриётида унинг “Онамнинг дуоси”, деб номланган шеърлар тўплами нашрдан чиқди.



Ватан мадҳига бағишланган шеърларида шoir юрт жамолидан завқ-шаҳк туйиб, унинг тарихида ўтган алл ўғлонлари шухратидан фaҳр-гурурга туйиб-тошиб ёзади. Шумладан, китобдаги “Ўзбекистон” шеърлари шундай мисраларни ўқиймиз: Остонаси муқаддасдир йўллари обод, Боғни гулистон қилар қўллари обод, Бу муқаддас ватанда чарогом ҳаёт, Бу муқаддас Ватан Ўзбекистондир.

Қамбар ОТА

Отам менга Болам, деди. Сенсан ёруғ Олам; деди. Мен дедим, Тез катта бўлай, Ота, Сизга Ота бўлай.

Қувнаб учар: “Бол йиғдик биз! Бол йиғдик биз!”

ЧИН ҚУШИМ

Чин қушим, Чинни қушим. Ёлгонга ҳеч Йўқ қушим.

ЧАРХ УРИБ, ЖҶШ, МАЗА ҚИЛ.

Чарх уриб, жўш, Маза қил. Чин сўзинг Овоза қил.

ГҶЗАЛ ОДОБ, АҶЛО ХУЛҚ

Чин юракдан тиришсанг, АҶло ўқининг мумкин. Билганларинг, эҳтимол, Ёдингдан чиқар бир кун.

ГҶЗАЛ, ОДОБ, АҶЛО ХУЛҚ

ГҶзал, одоб, аҶло хулқ Ўрнашса юрагингга, Сени мангу тарк этмай, Ётказар тилагингга.

ҚУВНАБ УЧАР

Боларилар гулзорларга Шунгир гиз-гиз. “Гиз-гиз, гиз-гиз, гулзорларни Биз севамиз!”, Қўшиқ айтар, элга ҳади Асалимиз.

НОҶАҚ ЖАҶЛ Билмай қолдим, ЖаҶлимни сочдим. Сенга ноҶақ Захримни санчдим.

ЯШИРИБ ЕСА КЕРАК (ҳазил) Уйимизга меҳмон бўлиб Келса она-оталар. Кичиклардан гапларини Яширади катталар.

ШИРИН-ШАКАР СҶЗЛАРИНИ КҶРМАСИН ДЕСА КЕРАК. Гапларини бизлардан Яшириб еса керак.

ҶҶКИЗНИНГ БҶЙНИДА Турган бир бурга, Мақтанди: Меҳнатим Сингтан бу ерга. “Раҳмат, қўш ҳайдадинг Кечая кундуз”, Деб мени бошига Кўтарар ҳўкиз.

“MOZYDAN SADO”

Алишер Навоий бобомизнинг “Қасрким, айламиш меъмор бунёд...” сатри санъат қононаси, “Шарқнинг энг кўркем театри” эътирофига сазовор бўлган Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрига бағишлаб ёзилгандай гўё. Журналининг бўртинчи махус сониде мазкур мўъжизақор санъат қононасининг бунёд этилиш тарихи илк бор нодир ҳўжжатлар асосида муфассал баён этилган. Гўя муаллифи Т.Кўзиев. Матн муаллифлари А.Кремёнова ва З.Ҷақимов. Муаллифлар меъморий тафаккур томониде жойлашган олтига кулар-заллардаги беақлар республика вилоятларига бағишланган.

Журналларни варақлаганас

инъикоси бўлмиш театр биносининг ички ва ташқи беақлари, хоналарнинг тузилиши ва вазиғалари, уларни беазатишда ишлаган халқ усталарининг бетақорр иждодий ютуқлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Театр биносиде меъморчиликнинг гўявий-бадийий сифатлари жиҳатидан ҳам, заллари ва асосий тузилишининг кулай режалаштирилиши жиҳатидан ҳам мукаммал иждод намунаси ҳисобланади.

МАДАНИЙ ҶАЁТ

Очiq мулоқот тарзида ўтган семинар давомиде битирувчиларни иш билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, фольклор-этнография жамоалари ҳамда чолу ансамбллари бадий раҳбарларини замонавий талаблар асосида тайёрлаш мавзуидаги маърузалар ҳам тингланди. Тадбирда Ташкент шаҳри, вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон республикасидаги маданий-маърифий муассасаларда фаолият кўрсатаётган иждодий ходимлар таркибини ўрганиш, Санъат ва маданият институти томонидан тайёрланадиган кадрларни билим ва кўникмаларининг ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Кабулхона — 233-52-91. Электрон манзилмиз: uzas@b2c.uz

Бош муҳаррир Саъдулла ҶАКИМ. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаевага ва хонанда Гули Асалхўжаевага волидаи муҳтарамалари САНОБАРХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЖУМА КҶНАРАИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРҶИ ЭРКИН. ISSN 2161-634X. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4262. Буюртма Г — 1244. Ҷалми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 1 4 5